Маърифат

معرفت

Халқ зиёлилари рўзномаси

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 15 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

№ 19 (5616).

Баҳоси: обунага 16 тийин, сотувда 60 тийин.

Ўзбекистон—Россия:

ЯНГИЧА ҲАМКОРЛИК

Мустақиллик, давлат сиёсатининг барча жабҳаларида бўлганидек, халқ таълими соҳасида ҳам тенг ҳуқуқлик асосида ҳамкорлик қилишни, умуминсоний қадриятларни ҳурматлаш, инсон ҳуқуқлари Декларацияси, болаларни ҳимоя қилиш Конвенцияси қарорларига амал қилган ҳолда умумтаълим сиёсатини олиб боришни тақозо этаётгир. Қайта қуриш туфайли рўёбга келган бундай тамоман янгича муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг барча давлатлар, шу жумладан мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларнинг таълим (маориф) вазирликлари билан тузилаётган шартномаларда ҳам намоён бўлаётир. Бу эса халқ таълимининг равнақ топишига, ҳар бир миллатнинг ўз она тилида ўқишига, миллий маданиятини яратишига мустаҳкам таянчдир.

Ўтган сешанба куни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида Россия ва Ўзбекистон маорифчиларининг делегациялари ўртасидаги бўлиб ўтган мўзокараларда ҳам мустақиллик, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат муносабатлари тўла намоён бўлди. Халқ таълими соҳасидаги маданий, иқтисодий, ташкилий масалалар ишчанлик вазиятида муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев Россия делегацияси аъзоларини жумҳуриятимиз халқ таълими соҳасидаги муҳим янгиланишлар билан таништираркан, халқ таълими тўғрисида Қонун тайёрланганлиги, умумтаълим мактаби тараққиётининг асосий йўналишлари (концепцияси) ишлаб чиқилганлиги ва унинг мундарижаси ҳамда мақсади, тайёрлашга киришилган миллий мактаб дастури ва унинг таълим-тарбиядаги умуминсоний томонлари билан таништирди.

— Жумҳуриятимиз аҳолиси Россия сингари кўп миллатлидир, — деди вазир. — Шунинг учун ёш авлодга таълим-тарбия бериш ўзбек, рус, қозоқ, тожик, қирғиз, қорақалпоқ ва бошқа тилларда олиб борилмоқда. Юзлаб рус мактабларида ўн минглаб рус тилида сўзлашувчи аҳолининг фарзандлари таълим олмоқдалар. Бу мактабларни дарсликлар, дастурлар, ўқув қўлланмалари ва таълимнинг замонавий техника воситалари билан таъминлашда Россия Федерацияси Таълим вазирлигининг ҳамкорлиги зарур. Бу Ўрта Осиё республикалари халқ таълими вазирликлари ўртасида тузилган шартномалар сингари изчил амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Масалан, Ўзбекистон мазкур мустақил республикалардаги ўзбек мактабларига дарсликлар, дастурлар, ўқув ашёлари етказиб беради, педагог-мутахассислар тайёрлашда кўмаклашади.

Россия Федерацияси таълим вазирининг ўринбосари, делегация бошлиғи Е. Б. Куркин ўз сўзида Ўзбекистон халқ таълими тизимининг, унинг ўқув муассасаларининг тўла мустақиллигини тан олган ҳолда ҳамкорлик шартномасини тузгани Россия делегацияси ташриф буюрганлигини маълум қилди. Вазирлигимиз, — деди нотиқ, — Ўзбекистондаги мактабларни дарсликлар, рус тилига ихтисослашган турли ўқув-методик қўлланмалар, кўргазмали қуроллар, зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаб туришни ўз зиммасига олади. У мутахассискадрлар тайёрлаш, илғор тажрибаларни ўрганиш, ўқитувчилар ва ўқувчилар, педагог-олимларнинг турли учрашувларини ташкил этиш, ижодкор педагогларнинг биргаликдаги тўпламларини чиқариш масалаларига ҳам тўхталди.

Дўстона, самимий вазиятда ўтган музокара давомида таълим соҳасида ўзаро ахборот алмашиш, ҳар икки давлат вилоят ва шаҳарлари маорифчиларининг, ўқув юртларининг алоқаларини йўлга қўйиш, босмахона базаларида халқ таълими соҳаси ҳужжатларини, дарсликлар ва дастурларни нашр этиб бериш, Россия педагогик ўқув юртларида таҳсил кўраётган Ўзбекистон талабаларининг иқтисодий қийин аҳволга тушиб қолганлиги муаммолари, болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш, молиявий масалалар ҳақида ҳам гаплашиб олинди.

Учрашув сўнгида Россия Федерацияси Таълим вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўртасида тузилган Шартномани имзолаш маросими бўлиб ўтди. Ўзбек ва рус тилларида тузилган бу ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев ва Россия Федерацияси таълим вазирининг ўринбосари Е. Б. Куркин имзоладилар.

Музокараларда ва имзолаш маросимида Россия томонидан вазирликнинг Россия Федерацияси ҳудудидан ташқарида яшовчи Россия халқлари таълимининг миллий муаммолари бўлими бошлиғи В. Г. Кехвоянц, Ўзбекистон томонидан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосарлари М. М. Қурбонов, М. С. Султонов, И. С. Саиджонов, вазирликнинг масъул ходимлари иштирок қилдилар.

Мухбиримизнинг сўровига кўра Россия Федерацияси таълим вазирининг ўринбосари, делегация бошлиғи «Маърифат» рўзномаси муштарийларига қуйидаги истакни билдирди:

«Ўзбекистон ўқитувчиларига мустаҳкам саломатлик, ишларида муваффақият, халқларимиз бошдан кечираётган қийинчиликларни енгишда сабр-матонат тилайман. Ишонаманки, бу қийинчиликларни биз биргаликда енгиб ўтамиз.

Ҳурмат билан КУРКИН».

Желаю успехам Узбекистана
прочного здоровья успехов в труде,
терпения терпения и трудностей
с неодолимо сокрушить нужно
Хочу надеяться что то
что жизнь трудней и мы преодолеем
Все еще. С уважением.
Шрит = Куркин =

* * *

Россия Федерацияси Таълим вазирлиги делегацияси Тошкентдаги Ўқитувчилар уйида, Республика ўқувчилар саройида, Нафис санъат мактабида бўлиб, ҳамкасабалар билан учрашдилар, айрим илғор тажрибалар билан танишдилар. Шунингдек, меҳмонлар Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар.

М. РАҲМОНОВ,
махсус мухбиримиз.

ПУХТА РЕЖА ЗАРУР

Олий мактабни ислоҳ қилишнинг бош мезони ўқув режасини ислоҳ қилишдир. Уни тубдан қайта тузмасдан туриб олий мактабни ислоҳ қилиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ўқув режасида аниқ фан бўйича мутахассис тайёрлашга урғу бериш масаласи эса давримизнинг долзарб муаммосига айланди. Бу нарсани хорижий давлатларнинг, ривожланган минтақаларнинг тажрибаси кўрсатиб турибди. Қаерда давлатнинг иқтисодиёти, халқнинг турмуш даражаси, фани ва маданияти юксалган бўлса, ўша ерда келажак авлод тарбиясига, ёшларни чуқур билимли, юксак маданиятли қилиб етиштиришга асосий эътибор берилганлигини кўрамиз.

Даврнинг ўзи олий мактаб ўқув режаларида жиддий нуқсонларнинг мавжудлигини кўрсатмоқда. Ёшларни тарбиялашдаги ва, айниқса, етук малакали кадрлар тайёрлашдаги қўпгина хатоларимизни тан олишни бугунги кун тақозо қилмоқда.

Амалда бўлган ўқув режаларига назар ташласак ва уларни ихтисос бериш нуқтаи назаридан таҳлил қилсак, ўтган етмиш йил ичида аниқ фанлар бўйича мутахассис тайёрлашга ғоят кам эътибор берилганлигини кўрамиз. Ҳозир амал қилиб келинаётган ўқув режаларида сиёсат билан боғлиқ бўлган фанлар шу қадар кўп ва уларга шу қадар кўп дарс соатлари ажратилганки, буни кўриб ҳар бири алоҳида олинган ихтисосни эгалловчи талабалар «ким бўлиб ёки қайси фандан мутахассис бўлиб чиқар экан?» деган савол туғилиши табиий. Бундай ҳолат ўрта мактаб учун етук малакали кадр тайёрлашдаги фожиали ҳолдир.

Жуғрофия, биология, физика, математика, фанлари бўйича амалдаги ўқув режаларига бир назар ташлайлик. Масалан: жуғрофия ихтисоси ўқув режасида ўқитиладиган фанларга эътибор беринг. Сиёсий тарих фанини ўқитишга 170 соат вақт ажратилган, фалсафага 140 соат, сиёсий иқтисодга 140 соат, социализм назариясига 80 соат, даҳрийликнинг илмий асосларига 36 соат, этика ва эстетикага 36 соат, ҳуқуқшуносликка 40 соат, ҳисоблаш техникасига 50 соат, руҳшуносликка 140 соат, педагогикага 200 соат ва ҳоказо.

Физика-информатика бўйича ўқув режасига назар ташласак, жисмоний тарбияга 140 соат, чет тилига 210 соат, меҳнатни муҳофаза қилишга 36 соат, ўсмирлар физиологиясига 54 соат, фалсафа тарихига 36 соат, рус тилига 180 соат, мантиққа 56 соат, маданият тарихига 20 соат ва бошқа мутахассисликка даҳлсиз дарслар режалаштирилган. Яъни мазкур ихтисос бўйича талабаларга бутун ўқув жараёнида 4818 соат дарс режалаштирилган бўлса, унинг 2056 соатини қайд қилинган фанлар ташкил этади. Бундай ҳолат дорилмуаллиминларда ўқитилиб келинаётган барча мутахассисликларда ҳам мавжуддир.

Шу ерда «ўқув режасида ихтисос бериладиган фанлар қайд қилинганми ўзи?» деган савол туғилади. Ҳа, булар ҳам ўқув режасида қайд қилинган. Бироқ мутахассислик учун асосий фанлар ўқув режасининг анча пастроғидан озгина ўрин олган. Нима ҳам дердик, ўтган етмиш йил ичидаги сиёсатдонлик, КПСС «руҳи» ва таъсири бизни кадр тайёрлаш бобида шундай ночор аҳволга солиб қўйган.

Шу ўринда хорижий давлатларнинг тажрибасига бир назар ташлайлик. 1990 ва 1991 йилларда Финляндия, Швеция, Шотландия (Англия), Австрия, Дания давлатларида олий маълумотли муаллимлар тайёрлаш масаласи билан қизиқдик. Ушбу давлатларда олий маълумот бериш муддати турлича. Мураккаб касб, айтайлик, инженер тайёрлаш 5 йил, мактаб ўқитувчиси — педагог тайёрлаш 3 йил. Педагоглар фақат дорилфунунларда тайёрланади. Олий ўқув юртига кирувчилар ўзлари танлаган бўлимга фақат ўша фаннинг ўзидан имтиҳон топширади. Кириш имтиҳони 2 та бўлиб, уларнинг бири оғзаки, иккинчиси эса ёзма.

Биз мазкур мамлакатлардаги олий ўқув юртларининг ўқув режалари билан ҳам қизиқдик ва биздагидан тескари ҳолатни кузатдик. Бу мамлакатларда ўқув режасидаги фанлар рўйхати сиёсий фанлардан эмас, балки ихтисос берадиган фанлардан бошланган. Ўқув режаларидаги дарс соатларининг 90 фоиздан ортиғи фақат ўз мутахассислигидаги фанларга оиддир.

Бизда эса қоғозда ҳам, амалда ҳам ҳар бир фандан олий маълумотли мутахассис тайёрлашда сиёсий фанларни ўқитишга, кучи етган ва етмаган талабаларга «доҳий»лар асарларини ёд олишга бутун эътибор қаратилган. Давлат имтиҳонларининг бошида ҳам ўша фанлар туради.

Ўқув режаларида қўйилган ва ҳануз ўқитилиб келинаётган сиёсий фанларнинг моҳияти ва аҳамиятини таҳлил қилиб шу нарсани таъкидлаш жоизки, биз у ёки бу фандан мутахассис эмас, балки фақат сиёсатдонларни тайёрлаш учун куч сарф қилган эканмиз.

Дорилмуаллиминларимизда ўқитилиб келинаётган сиёсий фанларнинг моҳиятига бир назар ташлайлик. Фалсафа ёшларга нима берди-ю, уларнинг онгида қандай инқилоб қилди? Бу таълимотда ҳадеб социализм ва коммунизм мадҳ қилинди. Сиёсий иқтисодни ўқиган талабалар эса фақат капиталистик ишлаб чиқариш усулини яроқсиз, ўткинчи усул деб ўргандилар. Ҳолбуки, бу хил назарий хулоса мантиқан асоссиз экан. Сиёсий тарих курсида талабалар Россиянинг сиёсий тарихини ўргандилар.

Педагогика ва психология фанларини ўқитиш учун ҳам керагидан ортиқча ўқув соатлари ажратилган деб биламиз. Биз махсус фанлардан соф педагог эмас, балки аниқ фандан ихтисос оладиган педагог тайёрлашимизни унутмаслигимиз керак. Масалага шу жиҳатдан ёндашганда шу нарсани таъкидлаш керакки, ҳар бир бўлимни битирувчи талаба ўзининг соҳасини чуқур билган олим-муаллимдан таҳсил олади, ҳар бир фаннинг «ўқитиш методикаси» курсидан маъруза танлайди, педагогик амалиётни ўтайди. Бунда ҳам асосан Ушинский, Макаренко ва бошқа рус педагогларининг методлари, усуллари талабалар онгига сингдирилди-ю, Ўрта Осиё халқ педагогикаси негадир четлаб ўтилди.

Шунинг учун ҳам айни кунда олий мактабни ислоҳ қилиш учун жумҳурият дорилмуаллиминларининг барчасига ўқув режаларини қайтадан тузиб чиқиш кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифадир. Унда:

— Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлиб қайта туғилганлигидан келиб чиқиб дарс соатларига ёндашиш;

— хорижий давлатларнинг халқ маорифи соҳасида эришган ютуқларини инобатга олиш;

— ихтисос берадиган ҳар бир бўлимдаги фанларнинг умумий миқдорини ўқув режасида 85 фоизга етказишга эришиш;

— умумий дарс соатларининг 15 фоизини хорижий тилларни, педагогика асосларини, сиёсий фанларни ўқитишга ажратишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Янги ўқув режаларини тубдан қайта тузиб чиқиш етук малакали педагоглар тайёрлашнинг бош омили бўлиб, уни олий мактабни ислоҳ қилиш талаблари асосида амалга ошириш лозим. Бу иш ғоят мураккаб ва ўта масъулиятлидир. Шунинг учун ҳам бу ишда Халқ таълими вазирлиги бош-қош бўлмоғи зарур. Бироқ ҳозирги вақтда янги ўқув режасини тузиш боши берк кўчага кириб қолди.

Бизнинг назаримизда, янги ўқув режасини тузишга комплекс ёндашиш керак. Уни у ёки бу дорилмуаллиминда эмас, балки вазирлик қошидаги ҳар хил фанлардан фаолият кўрсатиб келаётган ўқув-методик кенгаш (УМК) зиммасига юклаш лозим. Вазирлик қошидаги ҳар бир УМКда 20—30 йиллик педагогик тажрибага эга бўлган мазкур фанларнинг йирик намояндалари, жумҳурият олий ва ўрта мактабларининг тажрибали муаллимлари аъзо эканлиги айни муддаодир. Янгидан тузилажак ўқув режасининг олий мактабни тубдан ислоҳ қилишда ва шу асосда аниқ фан сирларини чуқур эгаллаган мутахассис тайёрлашда аҳамияти беқиёсдир.

Назар ТЎРАЕВ,
Термиз давлат педагогика олий илмгоҳининг ректори, профессор.
Абдумўмин РЎЗИЕВ,
жуғрофия фанлари доктори, профессор.

Ҳунар =ҳунардан унар

БОЗОР ВА МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ

Бозор иқтисоди бугунги кунимиз мавзуи деб айтсам, хато бўлмаса керак. Ўқувчиларни мактаб партасидан бошлаб меҳнат таълимига ўргатмоқ лозим. Ҳозир ҳар бир киши эртанги кун ташвиши билан яшамоқда. Кимнинг ҳунари бўлса, ютуқ ўшаники. Ўқув-ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат таълимини ўқитиш ва ўргатишга кескин бурилиш ясалди. Бозор бу ўз-ўзини бошқариш, энг зарур замонавий техник-асбоблар билан мактабларнинг таъминланишини талаб этади. Эртанги муҳандис ва иқтисодчини мактаб партасидан ўргатмас эканмиз, иқтисодий қийинчилигимиз ортаверади. Фаолият кўрсатадиган ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларини кичик корхонага айлантирилса, нур устига нур бўларди. Бир мисол, бизнинг 2-ўқув-ишлаб чиқариш корхонамиз яқинда «Ёшлик» кичик корхонасига айлантирилди. Эндиликда корхонада ўқувчиларга ҳам билим ва тажрибалар ўргатилади. Бу ерда ўқитувчи ва усталар раҳбарлигида ўқувчилар томонидан ёстиқ жилдлари, пардалар, чойшаб тикиш, стол, стул, ўриндиқлар ясаш ва мактаб жиҳозларини таъмирлаш ишлари бажарилаяпти. Келадиган даромад корхонани ривожлантиришга, ўқувчи ва ўқитувчи усталарни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга сарфланади. Бу ишда комбинат директори Ҳ. Исматов ва район халқ таълими мудири Олимовлардан педагогик жамоамиз миннатдор.

Н. ЙЎЛДОШЕВ,
Бухоро вилояти Ғиждувон ноҳиясидаги 2-ўқув-ишлаб чиқариш комбинатининг токарлик ихтисоси ўқитувчиси.

ЁРУҒ ШУЪЛА ЖИЛОЛАРИ

СУРАТЛИ ЛАВҲА

Халқ таълими тизими янги босқичга кўтарилсагина Ўзбекистон иқтисоди ва маънавий ҳаёти тубдан яхшиланади. Буни барча фуқаролар, халқ маорифи вакиллари, ота-оналар ўзларига шиор қилиб олмоқликлари лозим. Афсуски, аскарият илм маскани раҳбарларининг ўрнидан қўзғалиши қийин кечмоқда. Улар турғунлик йилларида бўлгани каби юқоридан буйруқ кутаётирлар. Албатта, ислоҳот йилларидаги ижобий ўзгаришларни ҳам пайқамаслик мумкин эмас. Жойларда «бўйсунмас» (катта идоралар раҳбарлари назида) деб ном олган ташаббускор, фидойи, ижодкор муаллим, раҳбарларимиз ҳам жуда кўп. Уларнинг ибратли ишлари хусусидаги ҳикояларни тингласангиз, қалбингизга оромбахш шамол теккандай бўлади. Демак, ўнгланишга, янгиланишга умид бор. Бироқ ташаббускорлар, илғор тажриба мактаблари хусусида негадир кам ёзилади...

Тошкент шаҳридаги 127-мактабнинг директори Фазлиддин Жамоловни ҳам илғор тажрибаларни ўрганиб, уни ҳаётга тадбиқ этишда ўзининг мумтоз фикрига эга бўлган «бўйсунмас»лар тоифасига қўшиш мумкин. Ф. Жамолов бошчилик қилаётган илм маскани энг улкан (унда 40 та ўзбек ва 38 та рус синфи мавжуд) мактаб ҳисобланилиб, у ердаги 2250 нафар

(Давоми 2-бетда).

ЎТМИШНИ КЕЛАЖАК БИЛАН ЎЙҒУНЛАШТИРИБ...

Тошкент шарқшунослик институти ҳинд филологияси кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор Озод Насриддинович Шаматов Деҳлидан қайтиб келди. Бу ерда у Ҳиндистон Мирза Ғолиб илмий-тадқиқот институти таклифига биноан меҳмон бўлди ва XIX аср буюк ҳинд-покистон маърифатпарвари ҳамда олими Мирза Асадуллахон Ғолиб ижодига бағишланган халқаро семинарда иштирок этди. Биз Озод Насриддинович билан учрашиб унга бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— Ўз даврининг буюк мутафаккири ва шоири Мирза Ғолиб ҳақида бизга кўп нарса маълум эмас. Шунинг учун унинг ижодий қирралари тўғрисида гапириб бермангиз...

— Мирза Ғолиб ўрта аср ва янги давр теграсида яшаб ижод этган, замонавий адабиётнинг мустаҳкам пойдеворини яратганлар авлодига мансубдир. Қудратли истеъдоди туфайли унинг сайланмалари жаҳон адабиётининг олтин жамғармасидан ўрин олди, оддий кишиларнинг ҳиссиётлари ва орзу-ўйларини ўз шеърларида акс эттирди. Уни кўп ҳолларда буюк сўз санъаткорлари Шекспир, Алишер Навоий, Пушкин, Мольер, Робиндранат Тагор, Умар Ҳайём, Лио Цзи ва бошқалар билан қиёслашади.

Лекин менинг назаримда Ғолибнинг ижоди ўрду адабий тилининг оёққа туришида инқилобий роль ўйнади ва ҳинди адабий тилининг ривожланишини рағбатлантирди.

Биз, Ўзбекистон аҳолиси учун Ғолиб шахси шуниси билан аҳамиятлики, у аслида Самарқанд атрофида туғилган (шоирнинг буваси қадимий туркий Барқиёруғ уруғидан бўлган). Ҳинд тадқиқотчиларининг фикрича, унинг Ўрта Осиёда туғилиши, хусусан, мард характери ва енгилмас иродаси Ҳиндистонда ўрнашиб қолган ўрта аср жанговар турклари характерига хос бўлиб, бу хислатлар шоир дунёқарашини шакллантирди, шеърий ва насрий тўпламларининг ғоявий йўналишини белгилаб берди.

— Семинар мавзуининг «Ғолиб даврининг ғоявий, илмий ва диний тенденциялари» деб белгиланишининг сабаби нимада?

— Бу тасодифий эмас, деб ҳисоблайман. Уни Ҳиндистондаги замонавий ички сиёсий ҳаёт билан боғлаш муҳим эди. Сир эмас, ҳозир бу давлатда диний-жамоа қарама-қаршиликлари жуда кескинлашди, мамлакатнинг қатор шимолий вилоятларида сепаратистлар ва экстремистлар жонланиб қолишди. Ҳиндистоннинг янги тарихида жуда муҳим бўлган Ғолиб даври ана шу қарама-қаршиликларни бартараф этишда муҳим роль ўйнаши лозим.

Атрофлича тайёргарлик кўрилган ва тантанали бошланган семинарга нафақат ҳиндлар, балки чет элликлар (семинарда мендан бошқа яна Покистон, Бангладеш ва Эрондан борган олимлар) ҳам катта қизиқиш билан қарадилар. Гап шундаки, Мирза Ғолиб ўзининг кўплаб асарларини форс тилида яратган. Семинар мавзуидан келиб чиқилган ҳолда қилинган маърузаларнинг аксарияти (маърузалар сони 40 дан ошиқ бўлди) Ҳиндистон, Покистон, Жанубий Осиё мамлакатларидаги замонавий ижтимоий-сиёсий муаммоларга бағишланди. Сўзга чиққанларнинг нутқларида бу мамлакатларни мустақил сиёсат юритишга даъват оҳанглари янгради, турли диний оқимлар, энг аввало, ҳиндуслар ва мусулмонлар иттифоқда яшашлари лозимлиги таъкидланди.

Сиз ҳам маъруза қилгандирсиз?

— Айрим ҳинд тингловчиларининг фикрига қараганда менинг маърузам ўзига хос бўлди. Мен Мирза Ғолибнинг ўрду адабий шеърий тилини ривожлантириш соҳасидаги ижодкорлиги хусусида фикр юритдим. Тингловчилар аудиториясида унинг муайян қизиқиш уйғотишига яна бир сабаб, мен маърузани ўрду тилида амалга оширдим.

Семинарда қатнашиб, Покистон, Бангладеш ва Эрон илмий ҳаётидаги янги йўналишлар билан танишибгина қолмай Алигарх, Лакнаус, Деҳли, Лаҳор дорилфунунларидаги таниқли олимлар билан алоқани йўлга қўйдим, илмий адабиётлар алмашишга келишдик.

Ҳиндшунос-шарқ ш у н о с олим сифатида мен учун ўрду тили академиясида бўлиш катта воқеага айланди. Менга академия тингловчилари ва ходимлари учун «Ўзбекистонда қайта қуриш шароитида ўрду тили ва адабиётини ўрганиш» мавзуида лекция ўқиш таклиф этилди.

Шуни айтишим керакки, тингловчилар томонидан илиқ кутиб олинишимизга қарамай, лекциядан сўнг жиддий сиёсий мунозарада иштирок этишга тўғри келди. Гап шундаки, залда ўтирганлар орасида Ҳиндистон компартиясининг аъзолари кўпчиликни ташкил қиларди. Улар жаҳон социализм таянчининг инқирозига ўз муносабатларини очиқдан-очиқ баён эта бошладилар. Деҳлида стажировкадан ўтаётган Шербек Баҳриев билан биргаликда республикадаги қайта ўзгаришларнинг ҳақиқий сабабини далиллар билан тушунтиришимизга тўғри келди.

Албатта, синфий кураш ғояси билан қуролланган, буржуазияга қарши курашни ўз бурчи деб ҳисоблаб юрган кишиларни бир суҳбат билан қайта ишонтириш, онгини ва тасаввурини ўзгартириш мумкин эмас. Лекин менинг назаримда, энг мураккаб ва чалкаш саволлар юзасидан жавобларим кимларнидир қаноатлантирди, кимларгадир тушунарли бўлди. Буни суҳбатдошларимнинг чеҳраларидан англадим.

Суҳбатни И. ВИКТОРОВА ёзиб олди.

ЁРУҒ ШУЪЛА ЖИЛОЛАРИ

(Боши 1-бетда).

ўқувчига 150 нафар муаллим ва тарбиячи таълим-тарбия беради. Ўқувчилар кўпайгани сайин билим даргоҳи ташвишлари ҳам ортаверар экан. Энди «Қушбеги» мавзесида ҳам мактаб қурилиб ишга туширилмаса, ҳозиргача эришилган барча ютуқлар бир кунда йўқотиб қўйилиши ҳамда белгиланган режалар амалга ошмай қолиши мумкин. Бунинг устига ўқувчиларнинг аксарияти ёлғиз оналарнинг қўлида тарбия топишган. Уларни бошқаришни ўзи бўлмайди. Шунинг учун бўлса керакки, Ф. Жамолов тарбиявий ишлар бўйича директор муовини Зулхумор Азимова, ўсмир болалар билан шуғулланувчи бўлинма миршаби А. Ҳалимов, ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директорнинг биринчи муовини А. С. Мелентьева ва бошқалар билан доимо бамаслаҳат иш тутади.

Маслаҳат билан бажарилган иш кишига ҳеч қачон панд бермаган. Илм масканида болалар икки еменада шуғулланишгани учун уларни банд қилишнинг ҳеч иложи йўқдай туюлганди. Ҳозир у ерда иккита спорт зали, иккита ЭҲМ хонаси, муҳташам кутубхона ва мактаб қошидаги алоҳида иморатда «Камалак» номли болалар ва ёшлар маданий маркази фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, болалар Болгария билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган «Правец — 8 «А» ва Америка Қўшма Штатларидан келтирилган «IBM PS/2» маркали ҳисоблаш машиналарини қизиқиш билан ўрганяптилар. Уларга бу ишда информатика ва ҳисоблаш техникаси ўқитувчиси Мўтаъбар опа Тожибоева яқиндан ёрдам бераётир. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, компьютерлар мактабга келтирилганида ундаги дискетлар рус шрифтида битилган эди. А. Авлоний номидаги республика ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий олий билимгоҳининг информатика кабинети ижодий гуруҳи ва услубиётчи Т. Нурмуҳамедовларнинг кўмаги билан дискетлар ўзбекчалаштирилди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганидан сўнг Ўзбекистонда миллий мактаб тушунчасига ҳамда буюк боболаримиз ижодий меросига кенг аҳамият берила бошланди. Мактабдаги ижодкор муаллимлар ўзбек халқининг таълим-тарбия соҳасида тўплаган минг йиллик тажрибаси, анъаналарини асосий мезон қилиб олган ҳолда дунёвий илмларни болалар онгига доимий равишда сингдириб бориш тадбирларини белгилаганлар. 1991-92 ўқув йилидан бошлаб ушбу масканда ўғил-қизлар алоҳида ўқитила бошланди.

— Ўғил-қизларни алоҳида ўқитиб ютқазаётганимиз йўқ, — дейди 1-«г» синф муаллимаси Муножот Собирова. — Балки ютуқлар ҳақида гапириш ҳозир ўринли эмасдир. Лекин унинг ибратли жиҳатларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди... Уларни шу ёшданоқ давримиз тақозо этаётган ўзанларга бошлаш осон.

Биринчи тоифадаги бошланғич синф ўқитувчиси Хосият опа Бобохўжаева ҳам 25 йилдан буён жажжиларга таълим-тарбия бериб келади. Айни кунда у фақат қиз болаларни ўқитаётир. Опанинг фикрича, қизлар ўғил болаларга нисбатан ҳаракатчан бўлишади ҳамда улар ўқитувчи томонидан берилган топшириқни ўзларига тезда қабул қилиб олиш қобилиятига эга. Шунингдек, алоҳида ўқитилаётган ўғил-қизлар синфи юқори синфларда ҳам айрим фанларнинг (жисмоний тарбия, меҳнат таълими ва бошқа машғулотлар) икки гуруҳга бўлиниб ўқитилишига ҳожат туғдирмайди.

— Бошланғич мактабда ўзбек, рус, корейс синфлари аралаш бўлгани маъқул, — дейди билим даргоҳи директори Ф. Жамолов суҳбатимизга қўшилиб. — Улар бир мактабда ўқишса, уларнинг дўстлашиши енгил, жўн кечади. Шу йўсинда болаларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш мумкин. Умумий ўрта таълимнинг иккинчи, учинчи босқичида улар алоҳида мактабда ажратиб ўқитилган тақдирда ҳам бошланғич синфда қўйилган пишиқ пойдевор ўқувчилар ўртасида бирон бир зиддиятни келтириб чиқармайди.

Мактаб раҳбарининг чуқур таҳлилга эга бўлган режалари кўп. Ҳозир у жамоа билан биргаликда бир ёқадан бош чиқариб, мактаб билан билим юртлари алоқаларини тиклаш, ўзбек тилини билим даргоҳининг барча синфларига тўлалигича жорий этиш, юқори синф ўқувчиларига ихтисосий билим бериш, болаларни фойдали меҳнатга жалб қилиш (шартнома тузиш йўли билан) «Қушбеги» мавзеида қурилиши мўлжалланаётган янги мактаб биносини барпо этишда ўзларининг маълум даражадаги улушини қўйиш ҳамда ўқувчиларнинг саводхонлигини ошириш каби масалалар ҳақида бош қотирмоқда. Айни кунда уларнинг баъзилари бирин-кетин юзага чиқа бошлади. Масалан, ўтган ўқув йилининг ўзидаёқ илм маскани саводхонлик соҳасида жиддий ютуқларга эришди. Мактабнинг тўрт нафар ўқувчиси жумҳурият «Нафис санъат мактаби»га қабул қилинди. Яна тўрт нафар ўқувчи «Улуғбек жамғармаси» мукофоти учун ўтказилган танловда иштирок этди. Ўқувчиларнинг бундай кўрсаткичларга эришишида жамоага меҳнати сингган муаллима, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Карима опа Турдиеванинг ҳам хизматлари катта бўлаётир. Муаллима кимё фани сабоқларини назария билан амалиётни доимо уйғунлаштирган ҳолда олиб боради. Бу услуб эса болаларнинг ушбу фанга бўлган қизиқишини тобора кучайиб боришига имкон яратмоқда.

Умуман, илм масканида эришилган муваффақиятларни узоқдан таралаётган ёруғ шуълага қиёслаш мумкин. Унинг жилолари илмга интилганларнинг қалбига зиё бахш этиб, уларни оҳанграбодек ўзига тортаверади. Биз эса ар-Розий номли 127-мактабда бажарилаётган юмушлар — келажак авлод тарбияси йўлидаги янги-янги изланишлар, амалга оширилаётган ибратли тадбирлар халқ маорифини янги босқичга кўтарилиши жараёнидаги дастлабки дебочалар бўлишига қатъий ишонамиз.

Р. АЛЬБЕКОВ.
Муаллиф олган суратлар.

«Инсон ва жамият» фани муаллимлари учун

ҚАДИМГИ ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ҚАРАШЛАРИ

Бизга маълумки, инсоният маданий тараққиёти сарчашмалари қадимги Шарқ мамлакатлари — Миср, Хитой, Ҳиндистон ва кейинчалик қадимги Юнонистонда пайдо бўлган. Улар ҳақида бизгача етиб келган афсоналар, моддий маданият қолдиқлари ҳамда қадимги муаллифларнинг асарлари орқали маълумотлар тўпланган. Бу борада, айниқса, Қадимги Ҳиндистоннинг «Веда»лари, «Упанишад»лари, Марказий ва Ўрта Осиёнинг «Авеста»си, қадимги грек тарихчилари Геродотнинг «Тарих» ва Плутархнинг «Исида ва Осирис ҳақида»ги асарлари бой материаллар ҳисобланади.

Қадимги Мисрдаги кишиларнинг жамиятга қарашлари уларнинг умумий дунёқарашлари каби мифологик (афсонавий) тавсифда бўлган. Плутархнинг кўрсатишича, мисрликлар Ра худосини дунёнинг яратувчиси деб ҳисоблашади. Ра кейинчалик Осирис, Исида, Сета ва бошқа худоларни, шунингдек кишиларни яратган. Ра худоси қариб қолгач, унга бошқа худолар ва одамлар бўйсунмай қўя бошлаганлар, шундан сўнг Ранинг ташаббуси билан чақирилган худолар кенгашида кишиларни жазолашга қарор қилинган.

Хатлар худоси ерга тушиб одамларни қира бошлаган. Кейинроқ Ра уларга раҳм қилиб, қирғинни тўхтатган. Шундан сўнг Ра ҳукмдорлик қилишни ўзидан яратилган уч жуфт худоларга топширган. Улардан сўнггилари Осирис ва Исида ҳисобланадилар. Улар кишилар орасига маданиятни ёйиш орқали уларни тарбиялай бошлайдилар. Ушбу худоларнинг ўлимидан сўнг ярим худолар ҳукмронлик қиладилар, улардан сўнг эса ҳукмронлик қилиш кишиларга насиб этган. Подшолар ўзларининг ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида ўзларини худонинг ўғли деб эълон қилишган. Ўша даврларнинг қарашларида кишиларнинг юқори ва паст табақаларга бўлинишини илоҳий дунё билан, катта ва кичик худолар борлиги билан боғлаб тушунтиришган.

Қадимги Мисрда жамият ҳақидаги фикрлар тугалланган таълимот даражасига кўтарилмаган, балки кишиларнинг ижтимоий руҳиятида ишонч, одат, қарашлар сифатида амал қилган.

Қадимги Ҳиндистонда ҳам илк қарашлар афсонавий дунёқарашдан келиб чиққан. Эрамиздан олдинги 11 минг йилликда дастлабки билимлар, афсоналарни ўзида бирлаштирган «Ведалар» пайдо бўлган. Бу китобларда брахманизм таълимоти ўз ифодасини топган бўлиб, ўша даврда кишилар орасида мавжуд бўлган 4 варна (табақа) Пуруша худоси томонидан яратилган, деб тушунтирилади. Брахманлар Пурушанинг сўзларидан (овозидан), кшатрилар (ҳарбийлар) унинг қўлларидан, вайшилар (савдогарлар, эркин ҳунармандлар) унинг оёқларидан (сонидан), шудралар (энг паст табақа кишилари) Пурушанинг товонидан юзага келган, деб ҳисоблашган. Эрамиздан олдинги IX-VI асрларда пайдо бўлган «Упанишад»ларда ҳам, э. о. 11 асрда пайдо бўлган Ману қонунида ҳам брахманизмнинг кишилар азалдан касталарга бўлинганлиги ҳақидаги қараш лари қўллаб-қувватланади. Уларда ҳатто подшоҳ ҳам брахманга бўйсуниши, улардан маслаҳатлар олиб туриши, билимлар ва бошқариш санъатини ўрганиши шарт, деб ҳисобланган.

Эрамиздан олдинги VI асрда Ведалар, Упанишадлар ва брахманизмнинг асосий қоидаларига қарши чиққан Сиддхартха деган кишининг таълимоти пайдо бўлади (кейинчалик у Будда — шуъла таратувчи номини олади). У олий ва дунёнинг яратувчиси ҳисобланган худонинг борлиги ҳақидаги фикрни инкор қилади. У кишиларнинг касталарга бўлинишини, уларнинг тенгсизлиги илгаридан белгиланганлиги ҳақидаги фикрларни рад қилди. Буддизм ўзининг инсонпарварлиги, ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтармаслик тамойилига амал қилиши билан ажралиб туради. У жамият қонунларининг табиийлигини таъкидлайди.

Қадимги Хитойда илк ижтимоий фикрлар Конфуций (э. о. 551-479 йй.) таълимотида ўз ифодасини топган. У давлатни катта оила деб тушунади. Шоҳ («осмон ўғли») ҳокимияти оиладаги отанинг тутган ўрнига ўхшайди, бошқарувчилар ва ижро этувчилар муносабати эса оиладаги катталар ва болалар муносабатлари каби амалга оширилади. Унинг фикрича, «қора кишилар», «оддийлар», «паст» кишилар «олий», «яхши», «юқори» кишиларга бўйсунмоғи керак. Оиладагидек, паст табақадагилар юқори табақадагиларга куч билан эмас, ихтиёрий равишда бўйсунмоғи керак, деб Конфуций бошқаришнинг аристократик шаклини қўллаб чиқади. Шунингдек, у ҳокимият учун ва бошқа давлатлар ерини босиб олиш учун бўладиган кураш ва урушларга қарши чиқади. Конфуций қарашлари э. о. 11 асрда Қадимги Хитойнинг расмий мафкураси бўлиб қолади.

Э. о. III—V асрларда пайдо бўлган даосизм таълимотида жамиятда мавжуд бўлган тенгсизлик, ҳақсизлик ва маданий ҳаётдаги камчиликлар табиий қонун бўлган даодан чекиниш сифатида тушунтирилади. Табиийликдан ҳар қандай четлашишни танқид қилган даосизм кишиларни ибтидоий табиий ҳаётга чақиради, одамларни ёзувдан, ишлаб чиқариш қуролларидан ва барча янги нарсалардан воз кечишга чақиради.

Э. о. 479—400 йилларда яшаган Мо цзи даосизмнинг патриархал пессимистик таълимотига қарши чиқади. У барча кишиларнинг табиий равишда тенг эканлигини, жамиятнинг, давлатнинг шартнома асосида пайдо бўлганлигини таъкидлайди ҳамда барча камбағалларни озод қилиш талаби билан чиқади.

Қадимги Ўрта Осиё ва Эроннинг қадимги маданияти ва ижтимоий фикри эрамиздан олдинги IX асрлардан бошлаб яратила бошлаган «Авеста» китоблар мажмуида мужассамлашган. Бу китоб дастлаб маздаийлик, кейинчалик эса зардўштийлик (зороастризм) динининг муқаддас китоби ҳисобланади. Баъзи манбаларда айтилишича, «Авеста» дастлаб 21 китобдан иборат бўлган. Александр Македонский босқини даврида улар йўқотиб юборилган, фақатгина 3 китоб — «Ясна», «Вендидат», «Висперед» сақланиб қолган. Авестанинг асосий ғояси — барча нарса ва ҳодисалар, шу жумладан, ижтимоий ҳодисалар ёруғлик ва яхшилик тимсоли бўлган Ахура Мазда худоси билан ёмонлик ва қоронғилик тимсоли Анхра Майнью худоси кучларининг таъсирида бўлади. Бу китобга кўра, инсон олий кучлар қўлидаги ўйинчоқ эмас, балки ўз фаолиятида танлаш эркинлигига эга бўлган шахсдир. Сосонийлар ҳукмронлиги даврида зардуштийлик расмий дин деб эълон қилинади. Зардуштийликда маърифат ва билимнинг кучига қаттиқ эътиқод қилинади ва жамият ҳаётида ҳам оқибат натижада маърифат ютиб чиқади, деб ҳисобланилади. «Авеста»да инсониятнинг келажаги ҳақида, идеал жамият қурилиши муқаррарлиги ҳақида ишонч билан фикр юритилади.

Авеста кишиларнинг 4 табақага бўлинганлигини кўрсатади: мажусий кохинлар, ҳарбийлар, деҳқонлар ва ҳунармандлар. Бу ерда қуллар мустақил табақа сифатида тан олинмайди. Зардуштийлик таълимоти бўйича давлат Ормузд осмон подшоҳлигининг ердаги ифодасидир. Давлатни идора қилувчи ҳукмдор эса Ормузднинг хизматкоридир ва у ўз фуқароларини давлат ишларида учраб турадиган ёмонликлар ва ёвузликлардан ҳимоя қилади, улар орасида яхшилик уруғини сочади.

Хулоса қилиб айтганда, қадимги Шарқ мутафаккирларининг жамият тўғрисидаги қарашлари кўп зиддиятлардан иборат бўлган, бир-бири билан чирмашиб кетган мифологик (афсонавий) ва фалсафий томонларнинг мажмуасидир.

Шунга қарамасдан, бу қарашларда адолатли жамият идеалларига мунтазам интилиш ва унга эришиш йўлларини қидириш яққол акс этади.

И. САИФНАЗАРОВ,
А. ҲУКУМОВ,
фалсафа фанлари номзодлари, доцентлар.

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

Фалсафанинг пайдо бўлиши бутун Европа маданияти учун алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Энди дунёни билиб олишга мифологиядан мутлақо фарқ қиладиган янгича тарзда ёндашиш мумкин бўлиб қолди. Муаммоларнинг ўртага қўйилиши, билиш воситаси бўлмиш инсон ақл-идрокига таяниш, дунёдан ташқарида эмас, унинг ўзида содир бўлаётган жамики воқеаларнинг сабабларини излашга интилиш — мана шуларнинг ҳаммаси дунёга фалсафий ёндашувни диний-мифология қарашларидан мутлақо ажратиб турар эди.

Олимлар фалсафанинг пайдо бўлишини илк полис фуқаросининг ижтимоий тажрибаси билан боғлар эдилар. Уларнинг шу фикрига қўшилса бўлади. Полисдаги воқеалар, ундаги муносабатлар Юнон файласуфларининг катта дунё — космос ҳақидаги тасаввурларига асос қилиб олинган бир модел эди.

Эндигина юзага келаётган фалсафада дунё тузилишининг энг муҳим масалаларини ҳал этишга зиддиятли ёндашувлар келиб чиқа бошлади. Чунончи, натурфайласуфлар (табиатпараст файласуфлар) номини олган мутафаккирлар дунёнинг илк негизини илоҳий кучдан ёки ғоядан эмас, табиатнинг ўзидан изладилар. Улар ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигини очиб беришга ва дунёнинг ривожланишини кўрсатишга интилдилар. Уларнинг фалсафаси стихияли материалистик ва диалектик фалсафа бўлган эди.

Фалсафанинг бошқа йўналиши машҳур математик Пифагорнинг издошлари бўлмиш пифагорчиликлардан иборат эди. Пифагорчилар математикани асосларнинг асоси деб ҳисоблар эдилар. Улар миқдор ва шакл ҳамма нарсанинг моҳиятини белгилайди, деб фараз қилар эдилар. Борабора улар буюмларни сон билан айнан бир нарса деб ҳисоблашга ўтиб, ашёвий дунёни моддий мазмундан маҳрум этдилар.

Улар рақамни мутлақ бир нарсага айлантириб; уни дунё моҳиятининг асоси деб талқин этдилар.

Классик Юнонистон даврида (эрамиздан аввалги VI—V асрлардан — эрамиздан аввалги 338 йилгача) қадимий маърифатнинг энг муҳим ғалабалари ривожлантирилди.

ҚАДИМИЙ ЮНОНИСТОНДА ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ

Бу — жамиятни полис, (яъни шаҳар — давлат) тарзида ташкил этиш, гуллаб-яшнаган буюк давр бўлиб, у жамият турмушининг ҳамма соҳаларига таъсир ўтказди.

Полис фуқаролар жамоасидан иборат бўлиб, жамоачилик тавсифи билан мазкур жамоани уруғчилик, оилавий, ҳудудий ва шу каби жамоалардан фарқ қиладиган ўзига хос белгиларнинг бирга қўшилишидан иборат эди. Мулкчиликнинг антик шакли унга асос қилиб олинган эди. Мол-мулк, аввало, давлатнинг (биргаликдаги) ва хусусий кишиларнинг мулкидан иборат бўлар эди. Фуқаролар жамоасининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган кишигина асосий ишлаб чиқариш воситаси (ер)нинг эгаси бўлиши мумкин эди. Фуқаролар жамоасигина ерга олий ҳуқуққа (ерга эга бўлиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига) эга бўлар эди. Ерга бўлган мулкчилик ҳуқуқи билан фуқаролик ҳуқуқларининг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро шартланганлиги шунга олиб келдики, аслида барча фуқаролар тенг ҳуқуқларга эга бўлиб қолдилар.

Полисларда турли бошқарув идоралари бўлса ҳам бироқ уларнинг кўпчилигида халқ йиғини олий орган эди. Халқ йиғини барча энг муҳим масалаларни узил-кесил ҳал этиш ҳуқуқига эга эди.

Сиёсий ва ҳарбий ташкилотларнинг бир-бирига мувофиқлиги полиснинг яна бир хусусияти эди. Мулкдор фуқаро айни вақтда полиснинг даҳлсизлигини ва, бинобарин, ўз мулкининг даҳлсизлигини таъминлайдиган жангчи ҳам ҳисобланар эди.

Полис иқтисодиёти деҳқончилик ва чорвачиликка, токчилик ва боғдорчиликка асосланган эди. Унинг хўжалигидаги асосий қоида автаркия, яъни ўзини ўзи таъминлаш ғояси эди. Ташқи омилларга боғлиқ бўлмаган тирикчилик воситалари озодликнинг иқтисодий негизи ҳисобланарди. Ортиқча маҳсулот бозор орқали айирбошланар ёки сотиларди.

Шу тариқа полис ўзига хос ҳодиса бўлиб, унда иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий вазифалар бирга қўшилган эди.

Полиснинг асосий қоидаларига биноан қадриятларнинг полис тизими ишлаб чиқилганди: полис — олий қадрият эканига, инсон унинг доирасидан ташқарида яшаши мумкин эмаслигига, айрим шахснинг фаровонлиги полиснинг фаровонлигига, боғлиқлигига ишонч кучли эди. Деҳқончилик меҳнатининг бошқа ҳамма фаолият турларидан устунлигини тан олиш (фақат Спарта бундан мустасно эди), шахсий фойда олиш муддаосини қоралаш, иқтисодий негизнинг ҳам ўзгармаслигини сақлаб қолишга интилиш ва полис турмушининг бошқа ҳамма шарт-шароитлари, анъаналарнинг устиворлиги ҳам полис қадриятлари жумласига кирарди.

Шу даврнинг ўзида классик шаклдаги қуллик оммалаша бошлади. Масалан, Афинада қул ишлаб чиқариш воситасини мулк қилиб олиши мумкин эмас эди, унинг ўзи ҳам ўз хўжайинига қарашли бўлган «тилли-кўзли қурол» ҳисобланарди. Қулдорнинг қулга бўлган мулкчилик ҳуқуқи асло чекланмас эди. Қулларнинг болалари бамисоли ҳайвон боласига ўхшатилар ва улар ҳам қул бўлиб қолар эдилар. Юнонистондаги қуллар одатда бу ерлик эмас эдилар. Улар ҳарбий юришлар ёки қароқчиларча босқинлар вақтида ушлаб олинган одамлар эдилар. Кейин улар қул бозорида сотилар ва «жонли товар»га айланиб қолар эдилар.

Элладанинг табиий шароити, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий тараққиёти хусусиятлари туфайли шаклланган полис илк шарқ ва қадимий цивилизация дунёсида маълум бўлмаган, бу ерда жамиятнинг ташкил этилиш мавжуд шаклларидан мутлақо фарқ қиладиган ҳодиса эди. Полис эллинизм ва Рим цивилизацияларига таъсир ўтказди.

Эллинизм цивилизацияси. Македониялик Александр (Искандар Зулқарнайн)нинг Шарққа юришлари ваЮнон эллинизм давлатининг янги босиб олинган ерларни оммавий равишда мустамлакага айлантира боришлари бу маърифатга асос солди. Натижада Ўрта Денгиз бўйи, олд Осиё ва теварак-атрофдаги жойлар халқлари моддий ва маънавий маданиятини, сиёсий ташкилоти ва ижтимоий муносабатлари шаклларини ривожлантиришнинг янги босқичи аста-секин вужудга келди. Эллинизм цивилизациясининг ёйилиши ва таъсири ҳаддан ташқари кенгайиб, Ғарбий ва Шарқий Европани, олд ва марказий Осиёни, Шимолий Африкани ўз ичига олди.

Жамият турмушининг янги шакллари ўзига хос тарздаги қўшилиш натижаси бўлди, бу жараёнда маҳаллий, асосан шарқий ва юнон хусусиятлари бирга чатишиб, аниқ тарихий шароитга қараб у ёки бу вазифани бажарди.

Савдо-сотиқнинг ва айирбошлашга мўлжалланган меҳнат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши эллинизм иқтисодий тараққиётининг ўзига хос белгилари бўлди. Тез-тез ҳарбий тўқнашувлар бўлиб туришига қарамай, мунтазам денгиз қатнови йўлга қўйилди, савдо йўллари очилди, ҳунармандчиликнинг янги йирик марказлари вужудга келди. Бу марказлардаги ишлаб чиқариш асосан айирбошлашга мўлжалланган эди.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

АКС САДО

«МУСТАҚИЛЛИКДАН МАКТАБЛАР УМИДИ КАТТА»

«МАЪРИФАТ», 5 ДЕКАБРЬ 1991 ЙИЛ

Раҳматулла ҲАМИДОВ, Қашқадарё вилояти Ульянов ноҳиясидаги У. Юсупов номли мактаб ўқитувчиси:

— Журналист А. Ҳақбердиевнинг ушбу мақоласи вақт билан тўғри боғланган бўлиб, мактаблардаги аҳвол батафсил ёритиб берилган. Шунингдек, мақола ўзининг долзарблиги билан муаллимларни баҳсга қўшилишга даъват этади. Мақолани ўқигач, мен ҳам ўз фикр-мулоҳазаларимни билдиришни лозим топдим.

Очиғини айтиш керак, мактаб ва ундаги кишилар муштарак бўлиб қолди, яъни қайси томонга қараб ҳаракат қилиш лозим, қандай ғоялар тўғри-ю қайсилари нотўғри, кимларнинг айтганига ишониб яна кимларнинг изидан боришни билмай қолди.

Тўғри, мақолада кўрсатилишича, вақти келиб янги дарсликлар ҳам яратилар, «Ўзбекистон халқлари тарихи» эмас, балки «Ўрта Осиё халқлари тарихи» каби фанлар қайтадан ўқувчи қўлига келиб тегиб, авлодларимиз ундан манфаатдор бўлиб, тобора йўқолиб кетаётган кўплаб маданий ёдгорликларимизни, урф-одатларимизни шакллантиришар, лекин ҳозирги шароит жуда оғир. Масалан, мақолада таъкидланганидек, нархнавонинг тобора қимматлашувини, бозор муносабатларини қандай қилиб мактабга боғлаш мумкин? Эндиликда ўқувчи фақат кўрганига ишонади.

Мен шу ўринда бир нарсага эътиборни қаратмоқчиман. Дин билан боғлиқ ғояларнинг таъсири натижасида ўқувчилар, ҳатто табиатнинг муҳим қонуниятларини ҳам «худонинг иродаси билан содир бўлаяпти» деб талқин қилишмоқда. Фанга ишонч эса йўқолиб бораяпти. Қолаверса, яқинда ўтказилган қайта аттестация ўқитувчиларнинг руҳига салбий таъсир қилди. Муаллимларни тоифаларга бўлишда, жойларда адолатсизликларга йўл қўйилди. Буларнинг ҳаммаси ўқувчи кўз ўнгида содир этилди. Ахир ўқувчи қайси ўқитувчи қандай дарс бера олишини яхши билади-ку...

Вақтга қараб эмас, келажакка қараб иш тутиш керак, — дейдк муаллиф мақолада. Бу фикрга мен юз фоиз қўшиламан, лекин фақат муаллимларгина «туя»ни миниб узоқни кўзлагани билан нима ўзгарарди? Ахир мактаб бутун муҳит билан ҳамнафас-ку! Баски, шундай экан, ота-оналар, корхона ва ташкилотлардагилар ҳам мактабга «ўгай кўз» билан қарамаса нур устига аъло нур бўларди. Мен мақола муаллифини қўллаган ҳолда, «Маърифат»га ана шундай мунозараларнинг тез-тез бериб борилишини истардим.

Мажид РАСУЛОВ, Самарқанд вилояти Хатирчи ноҳиясидаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси:

— «Мустақилликдан мактаблар умиди катта» мақоласини синчковлик билан ўқиб, ўқитувчилар қалбида дард бўлиб қолаётган муаммонинг кўтарилганлигидан бошим кўкка етди. Негаки, бозор иқтисоди шароити биз муаллимларни оғир аҳволга солиб қўйди. Айниқса, мактабларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилаётгани дард устига чипқон бўлмоқда.

Аҳамият беринг, кейинги даврда ўқитувчиларга ҳам ўқувчиларга ҳам мустақиллик, эркинлик берилди. Бўрттириброқ айтадиган бўлсак, энди ҳар кимнинг ихтиёри ўзида. Бу яхши, албатта. Чунки эркинликни тўғри тушунган одам ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам қадрига етади. Лекин биз бу ўзгаришларга тайёрмидик? Гап шундаки, баъзида эркинлик амалда оддийгина тартибсизлик, демократия эса бошбошдоқлик шаклида намоён бўлаётир. Оқибатда айрим ўқувчиларнинг тарбияси ёмонлашиб, масъулияти ҳам сусайиб бораяпти. Гоҳо ўқитувчини тан олмаслик ҳоллари ҳам рўй бермоқда. Йигирма-ўттиз йил илгари ўқитувчининг мавқеи бошқача эди. Энди эса...

Ҳа, ўқитувчига қийин, жуда қийин. Чунончи, бозор иқтисоди шароитида, айниқса, бу ҳол яна ҳам. кўзга яққол ташланмоқда. У тобора яккаланиб, мактаб иши, келажак авлод тақдири, фақатгина унгагина боғлиқдай бўлиб қолмоқда. Билмадим, тўнини тескари кийиб олган айрим раҳбарлар қачонгача биздан юз ўгиришаркин. Яхшиямки, журналистларимиз бор. Ҳаётдаги етилиб келаётган муаммоларни ўз вақтида кўрсатиб туришади. Яна ким билади, дейсиз, вақти келиб, жойлардаги маҳаллий раҳбарларнинг ҳам назарлари мактабга келиб тақалар, ана шунда биз муаллимлар ҳам жамият аҳли билан ҳамжиҳат бўлиб, бирга ҳаракат қилаётганимиздан бошимиз кўкка етар...

Ҳамроқул КАМОЛОВ, Тожикистон жумҳурияти Регар ноҳиясидаги 14-мактаб ўқитувчиси:

— Мақолани ўқирканман, бир нарса эсимга тушиб кетди. Ўшанда «катта»лар билан бир даврада ўтирардик. Гап фарзандлар тарбиясига тақалгач, улардан бири олти фарзанди мактабда ўқишини айтиб қолди. Қизиғи шундаки, фарзандларининг қайси мактабда, нечанчи синфда ўқишини эса, афсуски, айтиб беролмади. Эътибор бераётган бўлсангиз, мана шу мисолнинг ўзи ҳам раҳбар ва отаоналарнинг мактабдан нақадар йироқлашиб кетганлигини кўрсатиб турибди.

Мен мақола хусусида икки оғиз фикр билдирмоқчиман. Аввало, миллий типдаги дарслик ва дастурларнинг ғариб қолда эканлиги, мактабларимизда (Ўзбекистонда ҳам, Тожикистонда ҳам) яхши билим олиш учун шарт-шароитнинг йўқлиги, ўқув қуролларининг етишмаслиги, отаоналарнинг ўз фарзандларига бўлган муносабати тобора сусайиб бораётганлиги, шаҳарларни қўйилиш, қишлоқларда ҳам мактабда таълим-тарбиянинг сусайиб бораётганлигига сабаб бўлмоқда.

Мен гапнинг индаллосини айтиб қўяқолай. Ҳар икки жумҳуриятда ҳам бозор иқтисоди сиёсати эмас, ўта чайқовчилик, бир-бирини алдаш каби ҳоллар авж олаётган бир шароитда қандай қилиб микдор ўзгаришидан сифат ўзгаришига ўтиб бўлади?..

Майли, нима бўлганда ҳам биз муаллимлар аҳли чидамли, сабот-матонатли инсонлар ҳисобланамиз. Аммо барибир, биз муаллимлар ҳамон мустақилликдан умидвормиз...

* * *

Хуллас, мақолага ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, бизга мактуб йўллаган барча муаллифларимизга миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Бизнинг ҳам сиз каби мустақилликдан умидимиз катта. Аммо унга осонликча эришишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун жойлардаги тепса тебранмас раҳбарлар ҳам масъулиятни ҳис қилиб, келажагимизнинг бошқарувчилари, ўринбосарларимиз ҳали мактабда эканлигини англашса эди. мушкулимиз тезроқ енгиллашарди...

ЎҚУВЧИЛАР МАМНУН БЎЛИШМОҚДА

Келажакни яратувчилар ҳали мактабда эканлигини тўғри тушуниб етган жумҳурият раҳбарияти уларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, шарт-шароитларни яратиб бериш борасида қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Чунончи, ўқувчиларни бепул нонушта билан таъминлаш масаласи қисқа даврда 40 тийиндан 1 80 тийингача кўпайиб, маҳсулотларнинг сифати, қуввати оширилди. Шунингдек, мактабда яхши ўқиган ўқувчилар аллақачон махсус стипендиялар олишмоқда. Аммо гап қилиниши керак бўлган ишларда эмас, балки унинг амалдаги ижросида.

Ана шу маънода қарайдиган бўлсак, Тошкентдаги Бектемир ноҳиясида бир қанча ишлар бажарилмоқда. Айтайлик, ноҳиядаги барча мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари эрталабки нонушта билан ўз вақтида таъминланаяпти. Шунингдек юқори синф ўқувчилари ва муаллимлар учун ҳам кўплаб шароитлар мавжуд.

Куни кеча махсус гуруҳ бошчилигида ўқувчиларни овқатлантиришда ноҳиядаги ишларнинг борши хусусида текширув ўтказилди. Мавжуд мактаблар орасида ҳар томонлама талабга жавоб берадигани 290-илм даргоҳи деб топилди.

Мактаб ошхонаси санитария талабларига тўлиқ мослаштирилган бўлиб, унда пазандалар Бахтиёр Солиев ҳамда Баҳром Неъматовлар таомларни тайёрлашда жонбозлик кўрсатишмоқда.

— Эрталабки нонуштада ҳар бир ўқувчи учун белгиланган сариёғ, сут, ширинликлар берилади, — дейди Б. Солиев. — Таомлар тариф асосида тайёрланиб, ҳамширалар текширувидан ўтказилади. Маҳсулотларни ўз вақтида етказиб беришда оталиқ ташкилотлари, ноҳия матлубот жамияти раҳнамоликни қўлга олган. Энг муҳими, ўқувчиларга биз тайёрлаётган таомлар маъқул бўлмоқда.

СУРАТДА: 290-мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари нонушта пайтида.

У. УСМОНОВ тасвирга олган.

«ТАРБИЯЧИ—92»

КЎРИК-ТАНЛОВ БЎЛИБ ЎТДИ

Акмал Икромов ноҳияси кенгашининг биносида «Тарбиячи — 92» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда ноҳиядаги жами 51 боғчадан 6 нафар тарбиячи иштирок этди.

Анжуманга жиддий тайёргарлик кўрилган эди. Бу тарбиячиларнинг сермазмун ва пухта жавобларида яққол намоён бўлди. Қизлар давр талабидан келиб чиқиб, энг долзарб муаммоларни кўтаришгани ҳолда ўзларини қизиқтираётган масалаларни баён этишди. Тарбиячилар учун тайёрланган етти савол ва топшириқ ҳам ғоятда пухта, аниқ бўлди. Ниҳоят 397-боғча тарбиячиси Шаҳноза Воҳидова кўрик-танлов ғолиби деб топилди. 531-боғчадан Ҳурриият Муҳаммаджонова, 487-боғча тарбиячиси Людмила Федоровна Самойловалар фахрли II ва III ўринларни эгаллашди. Ноҳия халқ таълими бўлимининг мудири А. Йўлчиев ғолибларга — 400 сўм I ўринни, 300 сўм II ўринни, 200 сўм III ўринни эгаллаган қизларга пул мукофотларини топширди. Шунингдек, қизлар эсдалик совғалари ҳам олдилар.

Кўрик-танловда Тошкент шаҳар халқ таълими бўлими ва бошқа идоралардан вакиллар иштирок этдилар.

Ш. НОРҚУЛОВА.

НАВОИЙГА БАҒИШЛАНДИ

Куни кеча Большевик ноҳиясидаги 9-ўрта мактабда А. Навоий таваллудининг 551 йиллигига бағишланган бадиий кеча ўтказилди. «Сўз мулкининг султони» деб номланган бу кечада барча адабиёт ихлосмандлари иштирок этдилар. Унда юқори синф ўқувчилари буюк бобомизнинг асарларидан намуналар ўқиди. Илм масканининг адабиёт тўгараги аъзолари эса Навоий образини саҳнага олиб чиқдилар.

Умуман, бадиий кечада ижро этилган инсон тафаккурида ижобий фикрлар уйғотадиган кўринишлар йиғилганлар қалбида улкан таассурот қолдирди.

Ш. МАМАТҚУЛОВА.
Самарқанд вилояти.

АДАБИЁТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

ИМКОНИЯТ КЕНГАЙТИРИЛГАН

Ўзбек адабиётининг янги дастури ҳозирги кун талаблари асосида тузилган. Лойиҳада ҳар хил синфларда ўрганилиши кўзда тутилган асарлар бадиий қийматига кўра саралаб олинган. Бунда ўқувчилар ёши, билими, асарнинг эстетик даражасига эътибор берилган.

Асарлар турн, жанри ҳар хил бўлишига эришилган. Шу билан бир қаторда, бу асарларнинг ўқувчиларни меҳрқибатли, ватанпарвар, ҳар томонлама баркамол кишилар бўлиб етишишлари учун ёрдам беришига алоҳида эътибор қаратилган.

Лойиҳадаги тавсиялар, қуйи синфларда соддароқ, кейинги синфларда мураккаблашиб бориши кўзда тутилган. Унда ўқитувчининг эркин ва ижодий ишлаши ҳам ҳисобга олинган. Айрим ҳолларда, ўқитувчи лозим кўрса, бир адибнинг айнан дастурда кўрсатилган асарини эмас, бўндан мақбулроқ бошқа асарини ёки синфда ўрганишга берилган асар ўрнига мустақил ўқиш учун тавсия қилинган асарлардан бирини олиши мумкин.

Лойиҳада яна ўқувчиларнинг синфдан ташқари ўқиш ва мустақил ўқишларига ҳам катта аҳамият берилган. Бундан ташқари, адабиёт ўқитувчиси синфлардаги адабий материалларнинг 10—15 фоизини маҳаллий минтақа, мактаб ёки ўқитувчилар жамоасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, жузъий ўзгартишлар қилиши ҳам мумкин.

Лойиҳада Аҳмад Яссавий, Машраб, Фитрат, Ҳувайдо каби адабиётимиз намояндалари, Ўрта осиёлик қомусий олимлар (ибн Сино, Улуғбек, Беруний), «Ҳадис» илмидан сабоқлар берилиши ҳам нур устига нур бўлган.

А. СОЛИЕВ.
Фурқат ноҳиясидаги 14-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

НАМАНГАН ХАБАРЛАРИ

Наманган ноҳиясидаги 17-мактаб ўқувчилари меҳнат таълими дарсларида турли рўзғор буюмлари тайёрлай бошладилар. Дастлаб пешхон, теша соплари, жува, чекич, тахта, норғич ясашдан ишни бошлаган ҳунарманд болалар ҳозирда анча мураккаб бўлган рўмол тўқиш дастгоҳларини буюртма асосида тайёрлашга киришдилар. Бундан кўпчилик хурсанд бўлишмоқда.

●

Ноҳиядаги 26-ҳунар-техника билим юрти талабалари шартнома асосида Тошбулоқ пойабзал фабрикасида амалий машғулот ўтказмоқдалар. Шу кунгача улар фабрикада 22 минг сўмлик иш бажаришди. Маблағнинг ҳаммаси ўқувчилар ихтиёрига берилди. Бундан ташқари, фабрика билан келишилган ҳолда, ишлаб чиқаришда фаоллик кўрсатган ўқувчилардан 50 нафарига шунча жуфт туфли совға қилинди.

●

Ноҳия халқ таълими бўлими ташаббуси билан 37-ўрта мактаб базасида ўтган йилнинг биринчи сентябридан бошланган педагогик йўналишдаги махсус синф яхши натижа бераяпти. Синфда 25 ўқувчи бўлиб, уларга ўзбек тили ва адабиёти, кимё, бошланғич таълим методикаси ва математика фанлари бўйича чуқурлаштирилган дарслар ўтилмоқда.

Мактаб маъмурияти ва Ҳамза номли педагогика олий илмгоҳи ректорати ўртасида тузилган шартномага асосан, дарсларнинг бир қисми олийгоҳ ўқитувчилари зиммасига юклатилган. Битириш имтиҳонларини яхши топширганлар тўғридан-тўғри Наманган муаллимлар тайёрлаш олий илмгоҳи талабалари бўлишади.

А. ХОЛМИРЗАЕВ.

ШЕЪР ЁЗИБСИЗ...

Шеър ёзибсиз, қофиясини топиб. Туроқ ва вазни устида бош қотириб. Аммо, ёзганларингизни шеърхонлар ўқиб, ШЕЪР дермикан? Тугал маъно англатган сўзлар йиғиндисини гап деймиз. Сиз тизган сатрлар, оҳангдор жумлаларингчи? Очиғи, ёзганингиз учун, «гулни булбулга» қофия қилганингиз учун ҳавасим келиб кетди. Чунки сўнгги пайтларда бўғзимда сўз қотиб қолган. Ва тугал маъно англатади, ва на сас-садо беради у. Алғов-далғовларга ҳам, кибру алдовларга ҳам эътибор бермай, қулоқ тутмай иложинг йўқ. Бугун ўзгарувчан обҳаво каби нарх-наво ҳақида ҳам қийналмай гапираётганимиз, оддий воқеадек, икки сўмлик матоҳга йигирма сўм деб қараётганимизни айтмайсизми?

Ўзни қўлга олмоқ учун минг куйга тушаман баъзан. Айтаман, эски пул қайтиб келди, деб. Маошим минг сўм. Сариғ ёғ эса 60 сўм... Кеча ўғлимга олганим қўнжли туфли — нархи беш юз сўм деб оғринганим — бугун 1200 сўм эканлигини кўрсам, бир марта ишлатибоқ ташлаб юборилади ган целофан халта (энг арзони) 1 сўм бўлганини, бир бекатгача борсангиз ҳам, беш бекат юрсангиз ҳам йўл кираси икки сўм бўлган автобусчамизга тушганимда ҳам чап қўксимда бир тугун борлиғини ҳис қиламан. У бот-бот туриб шундай ечилиб кетгиси келадики, ҳар силтанганида мени ғалати аҳволга солиб қўядиги... Лекин барибир, ҳозирча чидаса бўлади. Чидашган бундан баттарларига ҳам. Эҳтимол, эртага яхши бўлар. Чунки бизларга ҳамиша эртага яхши бўлади, деб ўргатиб келишган-ку! Нега шу умидворликни дилимдан ўтказсам-да, тилимда такрорласам-да, чап кўксимдаги ўша оғриққа қулоқ солиб қолаяпман? Рангим синиқмоқда, кўзларимнинг чанқоқлиги йўқолаётгандек? Ахир ЮРАГИМ борлигини билдим-ку, шу кунлар! Уни асрашим, авайлашим шартлигини, феълимни кенг қилиб, хотирамни жам айлаб, оёғимни она заминга маҳкам босиб туришим кераклигини наҳотки тушунмасам? Бир-бир кўз олдимдан ўтказаман, тарих қурбонларини. Уларнинг оила аъзоларидаги тушкунлигу маҳзунликларни. Шамол эсиб ўтди, ола-тасир кунлар кетди, яна сувлар лойқаланиб тинди. Аммо бу тиниқлигу, бу ғалабага оёғини ерга маҳкам қўйиб, қаддини тик тутиб турганлар етиб келишди, холос! Уларга — кеча қораланиб, бугун оқланган замондошларимизни қаторлаштириб мисол қилиб келтириш мумкин. Бирни кўриб шукр, иккини кўриб фикр қил деганларидек, минг қилсам-да, лекин дил барибир нотинч, бесаранжом! Барибир озурда жон! Сиз эса шеър ёзибсиз, «Камалакни олиб келдим боғларга...» деб! «Ранглар шаҳоласи мавжланиб кетди». «Қуйилди бир шиддат жон яроқларга», «Шохчалар тизими Қуёш гулладти...» (Хозарасп туманидаги 45-мактаб муаллими Гулсара Худойберганова шеъридан). Пастдарғомдаги 24-мактабдан Насриддин Эшқувватов, Учқўрғон ноҳиясидаги 19-ўрта мактабдан М. Ҳакимов, Қашқадарё вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш илмгоҳининг ҳодими Баҳром Маҳмудов, Фурқат ноҳиясидаги 14-ўрта мактабдан Азиза Тоштемировалар — сизларга ҳавасим келди. Ғулгун ҳаёт мадҳ этиб, гўзал турмушни тарғиб қилиб ёзибсиз. Бу тарғиботу ташвиқотчиликлар эса нотинч дилларнинг тафтини босаолармикан?.. Чунки — самимиятнинг, ростликнинг юзини тўлалигича кўрмадим шеърларингизда.

Қўлимда кимгадир аталган
тош бор,
Кимгадир ачиниб, кўзимда
ёш бор,
Тошимни отмайман ғанимга,
чунки,
Ўртамизда қанча бегуноҳ
бош бор, —

деб ёзса Шофиркон туманидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси Сайфулла Ғафуров, Жамила Эшмуродова эса (Пастдарғом туманидаги 29-ўрта мактаб ўқитувчиси) бундай ёзади:

Эсиз, кучга тўлган
дармоним қани?
Бошлиқ бўлиб берган
фармоним қани?
Шўху шодон умрим
достони қани,
Ушалмаган орзу-армоним
қани?...

Дард бор бу сатрларда. Ташвиш бор. Булар ҳам бежиз эмас, албатта. Очиғи, шундай сатрларни кутмаяпмизми? Аммо, бу кутиш, бу кўз тутишлар ҳамишалик ҳам кўнгилдагидек эмас.

Яқингинада тўрт-беш йил саноатчиларимиз бизга кийимбош ишлаб чиқармаса ҳам яшашимиз мумкин, жавону таҳмонларимизда ҳар биримизнинг қатор усти-бошларимиз

Сўнгра кун ўтиб бир фильм кўрсатишди. Йигирма ёшида, минг бир савдолар бошида бўлган жиноятчи қиз прокурорга савол беради:

— Маошингиз қанча?
— Икки юз сўм.
— Фарзандингиз борми?
— Бор, битта қизим. Ёши ўн олтида...

— Шу маошингизу, шу талабчанлигингиз билан унда яқинда қизингиз сиз билан ҳайрлашар экан...

Бундай фикр юритиш гарчанд бизнинг миллатимизга хос ҳолат бўлмасада, озмунча фарзандларимиз ҳайрлашдими биз билан, турли баҳоналар-у турмуш иккир-чикирлари натижасида? Эпини топсак, сепини уддалай олмай турган пайтимизда кўнглимиздаги кечинмаларимизни сўз билан ифодалаб бўлармикан?..

Қўлларида уртўқмоқ,
Темурнинг набираси.
Дўппослайди беадоқ,
Темурнинг набирасин...

деб ёзади Ғулом Мирзо талабалар шаҳарчасида юз берган фожеадан афсус-надомат билан. «Майдонда ҳовуч туздек» сачраган кўр кўзларга қийин. Қийин, «ўққа тутган ўзбеклар»нинг «ўққа учган ўзбек»ларига... Отам қон кўрган. Уруш даҳшатини туйган. — **«Биринчи жангга кирган куним хотирамдан чиқмайди. Очиғи ўша куни дастлаб бу ола-тасирлардан қўрқиб, «дадажон», «ойижон» деб у ён-бу ёнга чопиб тургандим. Ун етти ёшли йигитчанинг дастлабки аҳволини тушуниш мумкин бундай дамда. Аммо бирдан кўзим очилиб кетди. Ёмон очилди! Биз билан борган бир нотаниш муаллим пистирмадан туриб ҳадеб қўлини чиқарарди. Тушунсам, у енгил яраланса-ю, госпиталга, тинчроқ жойга жонини ҳовучлаб жўнай қолса! Унинг бошини мажағлаб ташлагим келди ўша лаҳзада. Ўзимни қўлга олдиму ўқ ёмғирини ёғдира бошладим душман тарафга»...**

Ҳа, кўзим бирда бўлмаса бирда очилади. Аммо қачон? Ўзимиз яратмаяпмизми қурбонликлар-у бекорга тўкилаётган қонларнинг васвасасини?.. Бизку «гул»ни булбул»га қофия қилиб шеър ёзамиз, оҳангдор наволарда тараладиган маза-бемаза қўшиқлар яратамиз, барибир нотўғри тузумнинг ишкалликлари, илма-теран давом эттираяптилар-да! Мен шундай ўйлайман. Балки бу фикрим нотўғридир. Нотўғри бўлса, ўз фикрингизни ёзинг. Эҳтимол, ёзганларингиз қатра бўлар, кичик лавҳа-ю шеър йўқ ёки мақола бўлар, лекин қай йўсинда туйғуларингиз қоғозга тушмасин, барибир ростлик бўлади-да ёзганларингизда. Саммияти ўзи билан-да. Шундай эмасми? Менинг бундай қарашларим учун тўқиб ёзган, кимларнидир ўқиб ёзган ва ошуфта хаёлларга чулғанган айрим хат муаллифлари кечирсинлар. Кечирсинлар, шеър ҳам, қўшиқ ҳам, агар ростликни, ҳақиқатни ифодаласа ёқаркан одамга, деган гапларим учун. Чунки бот-бот бериб қўяётган қурбонликлар шеърни шеър демоққа, қўшиқни қўшиқ демоққа шаҳдни ўлдираётгандек, талабчан ва зукко, синчков ва чин маънодаги санъаткор мураббийларимиз бисёр эканлигига шубҳа уйғотаётгандек. Чунки орангизда шогирди эътиқодини ўлдирган устозлар камми? Турмуш уринишлари деб, носфурушлик қилаётганлар, кечалари отасию амакиси учун бир шиша ароқ сўраб келаётган ўқувчилари юзига тик қарашдан уялмаётган ўқитувчилар-чи?

...Азиз мураббийлар, меҳрибон устозлар, фарзандларимизга билим беришдан ортиб, кўнглидаги ҳис ва туйғуларини қоғозга туширган ижодкорлар. Ўз эзгуликка интилишларингизни, гўзалликни тушуна билишларингизни шогирдларингизга ҳам юқтиринг, илойим. Сиз юритган ташвиқоти тарғиботлардан, бир оғиз муборак сўздан — келажагимиз эгалари шаклланишини унутманг. Ҳеч бўлмаса эртага яхши бўлади, — деб овутиб туринг, уларни. Кўнглимизга ўрнашган, самимияти ўзи билан бўлган шеърларни вақти билан «Ҳамкасбларингиз ижодидан» сарлавҳаси остида эълон қилиб борамиз. Эълон қилинмаганларининг хато ва камчиликлари эса — ўзи билан. Бундай шеърларга қарашлар ҳақидаги мулоҳазаларимизни билдириш, очиқ-ойдин рўзнома орқали айтиш — мактуб эгалари дилига ғунчалик ўрнашмаса керак, — деб ўйлаймиз. Бизга рост шеър керак. Ҳақиқатга яқин қатра-ю ҳикоялар, лавҳа-ю мақолалар даркор. Чунки эндиликда шундоғам турли воқеа ва ҳодисалардан асаблари таранг ўқувчини ёлғонга асло ҳуши йўқ. Ростлигу самимият — эртанги кунга ишонмоқликда, умидни яхши қилмоқликда. Биз шундай кўнгил мавжлари тўкилган хатларингизни кутамиз.

Умида АБДУАЗИМОВА.

«Маърифат» мактублари изидан

ҚОНУН БУЗИЛГАНДИ

Бухоро вилоятининг Пешку ноҳиясидан К. Ўринов редакцияга хат ёзиб, унда турмуш ўртоғи Ф. Нахимовани у ишлаётган мактаб директори етарли иш билан таъминламаганлиги, бир ярим йил ишлаб улгурмаган ўқитувчини малака оширишга боришга мажбур қилаётгани ҳақида ёзганди.

Шикоят хати вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан текширилганда ундаги далиллар ўз исботини топган. Дарҳақиқат, Жомий номли мактабда етарли дарс соатлари бўлатуриб, мактаб директори З. Отақулов ўқитувчи Ф. Нахимовани тўлиқ бир ставка иш билан таъминламаган. Бундан ташқари, мактаб маъмурияти ва ноҳия халқ таълими бўлими томонидан Ўзбекистон республикаси меҳнат қонунларининг 188-моддаси қўпол равишда бузилиб, уч ёшдан саккиз ёшгача фарзанди бўлган Нахимовани ўзининг розилигисиз малака оширишга — хизмат сафарига юборишмоқчи бўлишган.

Ҳозирги пайтда бу жанжалли масала юзасидан ҳуқуқни ҳимоя қилиш ходимлари шуғулланмоқдалар. Пешку ноҳияси халқ таълими бўлими мактаб директорига ўқитувчига нисбатан қилган адолатсизлиги учун хайфсан эълон қилган. Жавоб хатига Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи С. Бахронова имзо чеккан.

МАКТАБ ИСИТИЛЯПТИ

Таҳририятимизга хат йўллаган Н. Эргашев Жиззах вилояти Октябрь ноҳиясидаги Улуғбек номли мактаб иситилмаётгани ҳақида маълум қилганди. Халқ депутатлари Октябрь ноҳия кенгаши ижроия комитети сўров хатимизга жавоб йўллади. Маълум бўлишича, муаллифнинг шикоятида келтирилган далиллар тасдиқланган.

Алексеевский давлат хўжалиги 1991-92 йиллар мобайнида тўлиқ газлаштирилади, ҳозирда мазкур мактаб ва болалар боғчаси табиий газ билан иситилмоқда. Ўқитувчиларни қишки мавсумда ёқилғи билан таъминлаш масаласи ноҳия матлубот жамияти, қишлоқ кенгаши ижроия қўмитаси томонидан кўриб чиқилди ва ижобий ҳал этиш тадбирлари кўрилди. Мактубга халқ депутатлари Октябрь ноҳия Кенгаши ижроия қўмитаси раиси М. Кўзбоев имзо чеккан.

ИШГА ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Навоий шаҳридаги 2-ҳунар-техника билим юрти ўқитувчиси Г. Почаева редакциямизга изтиробли мактуб йўллаб, ўзининг ишдан ноҳақ бўшатилиб, сарсон-саргардонликда қолганини ёзганди. Текширишга юборилган хатимизга Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Г. Тараненко имзоси билан жавоб олинди.

Маълум бўлишича, Г. Почаева ҳақиқатан ҳам ишдан ноҳақ бўшатилган экан. Ўқитувчи олдинги вазифасига тикланган, билим юрти директори А. Я. Бернштейнга қаттиқ хайфсан берилган.

ЭЛЛИШОЛ

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ФАРИШТА ЯНА КЕЛАДИ

Муҳаммад чиндан ҳам на ўқишни, на ёзишни биларди, бас, у қандай қилиб гўзал шеърлар бита оларди? Унинг яқинлари буни яхши билишар ва яна билишардики, юз йиллар, минг йиллар олдин юз берган ва келажакда юз берадиган воқеалар хусусида классик араб назми оҳангларида шеърлар яратувчи кимса ёлғиз илоҳий куч — илҳомга суянади!

Кўплар унга имон келтиради. Биринчи бўлиб Муҳаммадга имон келтирган киши Хадича эди, сўнг Али, сўнг Зайд, кейин бошқалар...

Барча араб тили алломалари Қуръоннинг гўзаллиги ва тиниқлигига тан беришади. Ҳатто араб тилини билмаганлар учун ҳам уни ёд олиш осон эди. Шу туфайли пайғамбар издошлари унинг айтганларини ёд ола бошлайдилар.

Бироқ, Муҳаммад энди бениҳоя ташвишли кўринади. У Ҳира тоғига тез-тез қатнар, ўзи бениҳоя озиб-тўзиб кетган, кўзлари ғалати боқар, ҳамиша жиққа терга ботиб юрар эди. У ҳеч нарса емас, ичмас ва ухламас эди. Тунлари тоат-ибодатдан бош кўтармасди.

«Менга нима бўлди ўзи? — деб сўрайди у Хадичадан. — Магар ақлдан озмаяпманми? Ёнидан ўтсам, ҳатто тошлар ҳам «Аллоҳу акбар!» деб қичқиради...»

«Ташвишланманг, — дейди унга Хадича. — Худо сизни пайғамбар этиб сайлаган экан, ўзи тўғри йўлга бошлайди».

Бир кун у яна Жаброилни кўради. Фариштa ер билан осмон оралиғида чордона қуриб ўлтирар эди. Жаброил дейди: «Ё Муҳаммад, сиз чиндан ҳам расулиллоҳсиз».

Чиндан ҳам Али Муҳаммадга ҳамиша мададкор бўлиб, хавф-хатар дақиқаларида унинг ёнида туради.

Фариштa Жаброил Муҳаммадга Қуддусга қараб намоз ўқишни ўргатади. Бир куни Абу Толиб кўрса, Али Муҳаммаднинг орқасида ўлтириб, намоз ўқиётган экан. Али намозни тугатиб, дейди: «Мен ишонаманки, оламда Аллоҳ — воҳиддир ва Муҳаммад — унинг расулидир. Мен у ўргатган йўсинда тоат-ибодат қиламан».

«Сенинг ўргатаётганинг янги динми?» — деб сўрайди Абу Толиб Муҳаммаддан.

«Йўқ, янги дин эмас. Бу ҳазрат Иброҳим таълимотининг худди ўзи», — деб жавоб беради Муҳаммад.

Абу Толиб Алига ўгирилиб дейди: «Ўғлим, сен Муҳаммадга эргашиб, тоат-ибодат қилавер. Ишончим, комилки, Муҳаммад ёмон йўлга бошламайди».

Кўп ўтмай Муҳаммаднинг дўстларидан бўлмиш Абу Бакр ҳам исломни қабул қилади. У Яманга саёҳат этган эди. У ерда Азд қабиласидан чиққан кекса бир донишмандга дуч келади. Донишманд унга Маккада пайдо бўлажак пайғамбар ва унинг бир ёш, бир кекса ёрдамчиси ҳақида сўзлайди. Абу Бакр Маккага қайтгач, Муҳаммад билан учрашади.

Муҳаммад ўзининг расулиллоҳ эканини айтиб, уни исломни қабул этишга ундайди.

«Сўзингга бирор далилинг борми?— сўрайди ундан Абу Бакр.

«Кекса донишманд билан учрашганингда у мен тўғримда сўзламадими?»—дейди Муҳаммад.

Бу гапни эшитиб, Абу Бакр ҳайрон қолади ва пайғамбарга имон келтиради.

ИЖОД ДАФТАРИДАН

ЧОЛЛАРДАН БИРИ

(Ёзувчи Исоқ Ўктамовга атаб)

Бугун мен шеъримда таърифлаганим
Ёш — етмишдан нари, саксондан бери.
Жуда кўп эъзозли одамлариму
Жуда кўп таниган чоллардан бири.
Гар ўзи айтмаса қарилигини
Ажратиб олмоқлик анчайин мушкул.
Ҳаракат одамни қаритмас экан,
У доим бир юмуш — иш билан машғул.
Ҳар тонгда аввало соқол қиртишлаб,
Бир бора ойнага қараб ҳам қўяр.
Иссиқ бир пиёла чой тутса кампир,
Одати бўйича бир қучиб суяр.
Ҳали сўнган эмас йигит ғайрати,
Интилар қаддини ғоз тутишга у.
— Эй, худо, дўстга зор, душманимга хор —
Қилмагил! — деб доим қилади орзу.
Қаттиқ гапиришни билганмас асло,
Ҳардам кулиб туриб боқар кўзлари.
Бола-чақасидан тиниб-тинчиган,
Ували-жували ўғил-қизлари.
Юз ёш ҳам нима гап —
ўзини доим
Меҳнат қучоғида кўрган отага.
Топган-тутгани-ю кўнгил мулкини
Фақат фарзандларга тўлиқ атаган.
Уни қадрлашар бошга кўтариб
Қариндош уруғу, қўни-қўшнилар.
Ҳеч кимга ёт эмас, ҳамма билан у
Дарров тил топади, дарров қўшилар.
Кўплар ийманади бобо дейишга,
Катта-ю кичикка гўё у тенгдош.
Утмайди усиз ҳеч тўю маърака,
Маҳалла ошига чиқар бўлиб бош.
Мен ният қиламан: ҳар хонадоннинг
Шундай бир мўътабар кишиси бўлсин,
Ҳаммага ширин сўз, ҳаммага яқин,
Чўнтакда новвоту кишмиши бўлсин!
Обрў-эътибори бут, тўкис бўлсин,
Кимки бор — ҳар уйнинг мунис каттаси.
Мен бугун Сизларга мақтаган бобо
Минг-минг чоллар ичра фақат биттаси!

ХУДО УРДИ

Беш қўлини оғзига
баробар тиққан чоғи
Ўзини ғоз тутди-ю
доимо тикка юрди.
Ошиғи олчи бўлди,
беҳад баланд димоғи,
Етти машина олиб,
сотишга-да улгурди.
Мушугини «пишт» дея
олмади унинг ҳеч ким.
Шаҳарнинг казолари
тўйда ёнида турди.
Аммо қайтар бу дунё,
ҳаёт тура олмай жим,
Кўтариб туриб уни
Кўтариб туриб урди.
Баридан айрилди у
ҳазм қила олмай еб,
Энди дўстлар ҳам унга
бурда нонни кўп кўрди.
Қуюшқондан чиққаннинг
аҳволи шу бўлур деб.
Кўтариб туриб худо,
Кўтариб туриб урди!

ТЎЛҚИН.

Донолар бисотидан

ҲИКОЯТЛАР

Луқмони Ҳакимдан сўрадилар: Одобни кимдан ўргандингиз?

Жавоб берибди: Одобсизлардан ўргандим. Уларнинг ўзларини тутишларига қараб, қайсиси кўнглимга ёқмаса, шу одатдан қочдим.

●

Икки оға-ини бор эди: бири султонга хизматчи, иккинчиси ҳунар билан кун кўрарди. Бир куни ҳунарманд укасига оғаси айтди: «Оғир меҳнатдан қутулиб, хизматчи бўлмайсанми?» Унга укаси: «Хўш, нега Сиз ҳунар ўрганиб, хизматчиликнинг азобидан қутулмайсиз?».

Нақл бор: «Кишига муте бўлиб, олтин қилич тақ-қунча, ўз уйингда эркинг билан ўтириб, қора гўжа ичганинг яхши».

●

Бир уйга ўн икки меҳмон сиғади. Бироқ икки султоннинг боши бир элга сиғмайди.

Бир вазирнинг ғофил ўғли бор эди. Уни олимнинг қўлига берди: «Боламни тарбия қилинг, тарбия олса, ақли кирар», — деди. Олим бироз тарбиялаб кўрди, унга тарбия таъсир қилмади. Шунда олим айтди: «Бу болани отасига топширинглар, саломимни етказинг: Боласини қанча тарбияласам ҳам, ақлли бўладиган эмас, аксинча мен аҳмоқ бўла бошладим».

●

Шайх Саъдий айтади: Бир кишининг хотини ҳомиладор эди. Вақти соати етди. Бурун бу фақирнинг фарзанди йўқ эди. Айтди:

— Олло Таоло агар менга ўғил берса, устимдаги чопонимдан бошқасини камбағалларга бўлиб берар эдим. Хотини ўғил кўрди. У киши ваъдасида туриб, дунёларини улаштирди, ўғлига яхши тилак билдирган дўст-ёронларига товоқ-товоқ ош берди.

Бир неча йилдан кейин қайтиб бордим. Ўша кишининг уйига келиб ҳол-аҳволини сўрадим. Айтди:

— Қафасда, зиндонда ётибди.

— Нима сабабдан?

— Ўғли безори бўлиб биров билан уришиб, киши ўлдириб, шаҳардан қочиб кетди. Ўғли учун отасини ушлаб, қўл-оёғига кишан солиб, қафасга ташладилар. Шунда бундай дедим:

— Кийикдай югуриб-елиб, қушдай учиб-қўниб кун-у тун боласининг оғзига томоқ солди.

Онаси тўққиз ой-у ўн кун кўтариб, қувониб кутган эди. Бундай ўғил туққунча илон туққани яхши эди.

Тўпловчи Қ. ТЎЛАБОЕВ.

Балкиз АЛАДДИН

Муҳаммад пайғамбар қиссаси

Муҳаммад Каъбага бориб, тоат-ибодат қилади. Худонинг овозини эшитиб, уни қалтироқ босади. «Аё яктак кийган киши! — дейди овоз, — оёққа тур, бориб, инсонларга хабар қил ва яратган Эгангга шукрона айт».

Шундан сўнг Муҳаммад ўзининг тангри томонидан инсонларга элчи қилиб юборилганига ишонади ва Аллоҳ сўзини одамзодга уқдириши лозимлигини англайди.

ПАЙҒАМБАРЛИК

Ваҳийдан неча кун ўтгач, худо пайғамбарга, қариндошларингни йиғиб, исломдан сўз оч, деб буюради. Муҳаммаднинг дини «ислом» деб аталади. «Ислом» бўйсуниш маъносини билдирар, худонинг иродасига бўйсунгайларни «муслим» деб аташарди.

Муҳаммад қирққа яқин қариндошини уйига таклиф этади. Улар орасида амакилари — Абу Лаҳаб, Абу Толиб, Ҳамза ва Аббос ҳам бор эди. Меҳмонлар олдига бир пиёладан сут ва бир бурдадан буғдой нони қўйиб, ўзи овқатга қўл уришдан олдин: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» дейди. Лекин меҳмонлар қанчалик еб-ичишмасин, нон ва сут камаймайди. Абу Лаҳаб қаҳ-қаҳ уриб кулади. «Муҳаммад бизни сеҳру жоду қиляпти», дейди у. Сўнг меҳмонлар тарқалишади.

Орадан бир неча кун ўтгач, Муҳаммад уларни тағин чорлайди. Бу гал у жиддий туриб: «Мен сизларга илгари ҳеч кимга айтмаган ажойиб бир нарса айтмоқчиман. Агар, душман сизга ҳужум қилмоқчи, десам, менга ишонасизларми?» — дейди.

Ҳозир бўлганлар: «Албатта ишонамиз, чунки сен илгари ҳеч қачон ёлғон гапирмагансан», — деб жавоб беришади.

«Унда менга ишонинглар, — дейди у. — Ишонингким, Аллоҳ мени сизларни тўғри йўлга бошлаш, унинг муқаддас иродаси ва қаҳру ғазабидан огоҳ этиш учун юборди. Мусога эргашган Аврондек менга ким эргашади? Ким менга биродар, ворис ва халифа бўлади?».

Ҳеч кимсадан садо чиқмайди, ёлғиз ёш Али ўрнидан туриб, дейди: «Ё Муҳаммад, мен сизга эргашаман, сизга зиён етказганларни қиличдан ўтказаман. Мен сизга мададкорман, ё расулиллоҳ».

Ўтирганлар қаҳ-қаҳ уриб кулишади ва Абу Толибга киноя қилишади: «Сиз энди ўғлингиз Али олдида бош эгинг. Негаким, Муҳаммадга биродар ва ворис бўлди».

ТАЪҚИБ

Муҳаммад уч йил давомида исломни фақат ўз оиласи ва дўстлари доирасида тарғиб этади. Худо энди бутун қурайш қавмларига амри маъруф этишни буюради. Лекин қурайшлар унга қулоқ осишмайди. Амр бин Аъас деган шоир уни масхара қилиб шеър ёзади ва кўча-кўйда ҳиргойи қилиб айтиб юради. Баъзилар кулги-мазах қилади, баъзилар тош отади. Айримлар унга ими-жимида пора қистирмоқчи бўлишади, пул, бойлик ва мансаб ваъда қилишади. Аммо бу уринишларнинг бари бекор кеттач, пайғамбар ва унинг тарафдорларини сиқув остига олишади. Уларни темир совут кийдириб, саҳро қуёши остида қизиган қум устига ётқизишади. Айримларини ўлгудек калтаклашади, турли қийноқларга солишади. Айримларига найза санчишади, айримларини туяларга боғлаб судратишади.

Мелодий 615 йилда пайғамбар ислом ташвиқотини бошлаганига 5 йил тўлади. Маккада туриш энди хавфлилиги туфайли айрим мусулмонлар қўшни мамлакатларга ўтишга мажбур бўлишади. Ўн бир эркак, тўрт аёл Абиссинияга қочади. Мамлакат подшоси Негус уларни ғоят меҳрибонлик билан қаршилайди. Ўшанда у насроний бўлиб, кейинчалик исломни қабул қилади. Бундан руҳланган мусулмонлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб Абиссиния (ҳозирги Хабашистон—Эфиония)га ўта бошлайдилар.

Қурайшлар ташвишга тушиб қоладилар. Улар Абиссиния қироли саройига элчилар юбориб, қочоқларни қайтариб беришни сўрашади. Қирол уларнинг совға-саломларини қабул қилиб, сўзларини эътибор ила эшитади. Сўнг қочоқларнинг ҳам арзини тинглайди. Уларнинг бошлиғи Алининг укаси Жаъфар эди. Жаъфар фасоҳат ила сўзлайди: «Ё подшоҳим! — дейди у. — Биз золим, ахлоқсиз, пасткаш кишилар эдик. Ифлос ҳаёт кечирардик, бўлар-бўлмасга уруш чиқазиб, беҳудага қон тўкардик. Меҳмондўстлик ва меҳрибонлик русумини унутган эдик. Муҳаммад бизни олижаноб бўлишга ундади. Ягона Аллоҳга сиғинишга, рост гапиришга ўргатди. Биз уй-жойларимизни ташлаб кетмоқчи эмасдик, бироқ юртдошларимиз жабр-ситам қилавериб, бизни шунга мажбур этишди».

Бу сўзларни эшитиб, Абиссиния қироли кўзларига ёш олади. У мусулмонларга қараб, юртимда яшайверинглар, дейди; элчиларга ўгирилиб, подшолигимдан чиқиб кетинглар, деб буюради.

(Боши рўзномамизнинг 1, 7, 13 ва 17-сонларида).

Аруша Олтинбоева Навоий вилояти Конимех ноҳиясидаги кашшофлар ва ўқувчилар уйида тикиш-бичиш тўгарагига раҳбарлик қилади.

Суратда: А. Олтинбоева тикиш сирларини ўргатмоқда.

А. ЧАПЛИГИНА тасвири.

Ҳажвия

ХОРИЖИЙ ГРИПП

Сарвиноз ноз-ишва билан ишга келар экан хорижий пальтосини ечиб, атайлаб ичидаги «Маде ин Австрия» деган ёзувини кўрсатиб, илиб қўйди. Сўнгра у этигини ҳам ечиб, енгил туфлисини кийди-да, эринмай салгина этиги ичини ағдариб қўйди. Астарида «Маде ин Италия» ёзуви кўриниб турарди. Ўзича мамнун иш столига ўтириб «Маде ин Венгрия» деб ёзилган сумкачасидан кўзгуни олиб, ҳафсала билан кеча эринмай сартарошхонада 3 соат навбат кутиб янги «итальянча мақомга» мосланган сочини силкитиб қўйди, ўзидан кўнгли тўлгандан кейин «араб» сақичини олиб қарсиллатиб чайнади ва унинг арабча ёзувини кўзгусининг бир четига ёпиштирди. Энди унинг бутун усти бошидан тортиб, ҳатто кўзгусигача хорижий эди..

Кимдир хонага кирса ҳам ясама тишларини, сохта киприкларини кўрсатиб мағрур куларди, аммо бир юмуш билан кириб келган аёл кўзгу устидаги ёзувни кўриб кулимсиради, чунки у араб тили ўқитувчиси эди, луқма ташлади:

— Араб ёзувини ўрганмоқчимисиз? Синглим, ҳатто сақич қоғозини ҳам кўзгуга ёпиштириб қўйибсиз-а?

Ўнғайсизланган Сарвиноз: Йўқ, биласизми, мен нима деб ёзилганига эътибор бермадим, аммо ҳар қалай, хорижий, деди...

Ҳаёт қизиқ экан. Кимдир яхши шеър ёзганига, кимдир яхши овқат пиширганига, кимдир катта, данғиллама ҳовлисию, енгил машинасига қараб қуворниб яшаркан. Сарвиноз ҳамма нарсасини хорижийлиги учун қуворниб яшар эди, уйида идиш жоймонида ҳаммаси четги нодир идишлар, хорижий кулдони, ҳаттоки икки дона тош ҳам бор эди.

Агар сўрасангиз, буни бир дугонам чет элга борганда олиб келган. Чет элнинг тоши бу, — дерди. Шунинг учун у тош ҳам жоймонда турарди.

Битта томондан сиқиларди ўзи. Ҳеч қанақа чет тилни билмасди. Бир вақтлар мактабда инглиз тили ўқитувчиси: «Яхши ўқигин Сарвиноз, тил билсанг кўпни биласан», — деган эди. Аммо, у пайтлар эътибор бермаган экан. Шундан афсусланарди. Энди ҳеч иложи йўқ. Ўқиб ўрганиш қаёқда. Мана, эри билан ажрашганига ҳам уч йилча бўлибди. Чунки эри Олимжон ажнабий бўлолмади. Ҳеч киси йўқ. Унақаси ҳам учраб қолар. Ўзини хаёлан хурсанд қиларди у тирноқларини бўяб туриб. Эртага дам олиш куни. Бозорга бориб, кичкина мўйлари ўсиқ кучукча сотиб олмоқчи бўлди. Чунки чет эллик аёллар кучукча билан сайр қилишади. У қор ёғиб турганига қарамай, уч соат бозорни ахтарди. Кўнглидагидек чет элча кучукча топа олмади... Туни билан аксириб, мазаси бўлмаган Сарвиноз шифокор ҳузурига борди. Навбат кутиб тураркан шифохонада бирорта чет тилдаги ёзувга кўзи тушмади. Ҳафа бўлди у. Маданият йўқ-да, ўзи.

Шифокор чақириб қолди:

— Қодирова ким? Қаттиқ грипп, ўраниб ётинг. Касаллик варақаси очамиз. Бошқаларга ҳам юқтирасиз, — деди. Касаллик варақасига нима деб ёзасиз? Бу нима, ўзимизнинг касалми? Шифокор ҳайратланиб, йўқ, «итальянча» грипп, — деди. Сарвиноз оғриётган томоғини-ю, бутун касалини унутиб, кўчага чиқаркан, виқор билан юра бошлади, чунки унинг ҳатто касали ҳам хорижий эди.

Саломат ҲАСАНОВА.

Бош муҳаррир
Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Ўзбекистон Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти жамоаси фалсафа кафедрасининг катта ўқитувчиси

Шавкат Шопўлатович АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур қайғу чекиб, марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига таъзия билдиради.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари умумий педагогика кафедраси профессори вазифасини бажарувчи М. М. Мирқосимовга ҳамда иқтисодий жуғрофия кафедраси мудири, доцент Т. Абдуллаевага оналари

Раҳбарнисо ЮСУПОВАнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

ҲАР ТЎҒРИДА

УЛАН-БАТОР. Беш нафар мўғил велосипедда жаҳон бўйлаб дастлабки саёҳатга чиқишга қарор қилди. Экология жиҳатидан тоза ҳисобланган велосипед ишқибозлари орасида касб-кори спортчи-велосипедчи бўлган бир киши бор, қолганлари эса ҳаваскорлардир.

Улар Осиё, Европа ва Америкадаги 22 мамлакат ҳудудидан ўтадилар. Мўғил велосипедчилари 9—10 ой ичида 35 минг километр йўл босишлари керак. Саёҳат раҳбари, журналист Г. Жарҳалсайхан Испанияга борганида ўз телепортажларида Барселонада бўладиган 1992 йил ёзги олимпиада ўйинларини ёритиш ниятидадир. Жаҳон бўйлаб велосипед пойгаси апрель ойида бошланади.

●

ҚОХИРА. Мисрлик машҳур қизиқчи Аҳмад Бадр телевизион фильм суратга олинаётган вақтда тасодифан ўлимдан бир амаллаб қутилиб қолди. Фильм матнига мувофиқ, деб хабар қилади «Ижишн газетт» рўзномаси, у тасодифан ҳовузга йиқилиб тушиши керак эди. Аҳмад ўзини сувга ташлаш олдидан ҳамкасбларига сузишни билмаслигини айтиб, уларни огоҳлантирди, лекин қизиқчининг бу гапларини навбатдаги ҳазилга йўйишди.

Режиссёр суратга олинган кадрлардан жуда мамнун бўлди. Чунки артист, унинг фикрига қараганда, чўкаётган одамни қойилмақом қилиб кўрсатиб берган эди. Унинг боши сувда гоҳ кўринар, гоҳ кўринмас, орадан бир неча лаҳза ўтгач, «чўкаяпман!» деб бақирганини ҳам одамлар кулгу билан қарши олишганди. Аҳмад сув тагида узил-кесил қолиб кетгандан кейингина ҳамкасблари ташвишланишди ва уни қутқаришга тушишди. Воқеа рўй берган жойга етиб келган шифокорлар ўлим билан олишаётган қизиқчини зўрға қутқариб қолдилар.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

6491-буюртма. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 20.00. Тиражи 160000.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12